

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

12-сон
(1084)
2023 йил
март

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

88. «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 23 мартдаги ЎРҚ–825-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

89. «Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 мартдаги ПФ–41-сон Фармони

90. «Аҳолига маъмурий жарималарни тўлашда қўшимча қулайликлар яратиш ҳамда соҳада коррупцион омилларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 23 мартдаги ПҚ–99-сон қарори

91. «Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини самарали таш-

кил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ–101-сон қарори

92. «Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ–102-сон қарори

Учинчи бўлим

93. «Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахсларга нафақа ва қўшимча тўловларни тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ва ушбу соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали давлат хизмати сифатини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 мартдаги 119-сон қарори
94. «Ногиронлиги бўлган шахснинг ва таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оиланинг электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 мартдаги 122-сон қарори
95. «Телекоммуникация воситаларини жойлаштириш учун ижара шартномаларини расмийлаштиришнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 25 мартдаги 127-сон қарори

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ****88 Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2023 йил
22 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2023 йил 2 мартда
маъқулланган

Мамлакатимизда маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, уларнинг тузалиш йўлига ўтишини таъминлаш ҳамда ижтимоийлашувини жадаллаштириш орқали уларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини, инсонга, жамиятга, меҳнатга, ижтимоий қоидалар ва анъаналарга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни шакллантириш борасида салмоқли ишлар олиб борилмоқда. Мазкур йўналишда ички ишлар органларининг жазони ижро этиш тизими тубдан такомиллаштирилиб, маҳкумларни сақлаш шароитлари халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди, ушбу соҳадаги қонунчилик такомиллаштирилди.

Ўтказилган ислохотлар натижасида маҳкумларнинг жазони ўташ шароитлари сифат жиҳатидан тубдан ўзгартирилиб, уларнинг ахлоқан тузалишига қаратилган ишлар самарадорлиги оширилди, жумладан кейинги йилларда маҳкумларни озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш даражаси оширилди, уларни қийноққа солишнинг олдини олиш механизмлари яратилди, маҳкумларнинг жазони ижро этиш колонияларидаги ҳуқуқлари кенгайтирилди.

Шу билан бирга бугунги кунда манзил-колонияларда жазони ўташ даврида айрим маҳкумларнинг ўрнатилган тартиб-қоидаларни бузган ҳолда жазони ўташ муассасаси ҳудудини ўзбошимчалик билан ташлаб кетиши, энг ачинарлиси, оғир ва ўта оғир жиноятларга қайта қўл уриши ҳоллари кузатилмоқда. Манзил-колонияларда маҳкумларга яқин қариндошлари ва бошқа шахслар билан учрашувлар сони чекланмаганлиги натижасида айрим маҳкумлар томонидан бундай ҳуқуқлардан фойдаланишда турли суиистеъмолликларга йўл қўйилмоқда. Мазкур муаммоларни ҳал этиш учун маҳкумларни манзил-колонияларга ўтказиш тартибини, жазони ижро этиш муассасасининг ички тартиб-қоидаларини қайта кўриб чиқиш зарур.

Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 23 мартда эълон қилинган.

Хусусан, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этиб, жазо муддатини ўтаётган маҳкумларни манзил-колонияларга ўтказиш, шунингдек жазони енгилроғи билан алмаштириш ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод этиш механизмлари қайта кўриб чиқилмоқда.

Бундан ташқари жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларнинг ички тартиб-қоидаларга риоя этиши билан боғлиқ механизмлар такомиллаштирилмоқда.

Ушбу Қонун жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб-қоидаларига маҳкумлар томонидан риоя этилишига, уларнинг тузалиш йўлига ўтишига, жиноятчиликнинг олдини олишга, шунингдек маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни янада кучайтиришга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) 73-модда учинчи қисмининг:

«б» бандидаги «ярмини» деган сўз «учдан икки қисмини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

«в» бандидаги «учдан икки» деган сўзлар «тўртдан уч» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 74-модда учинчи қисмининг:

«б» бандидаги «учдан бир қисмини» деган сўзлар «ярмини» деган сўз билан алмаштирилсин;

«в» бандидаги «ярмини» деган сўз «учдан икки қисмини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелда қабул қилинган 409–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 6, 175-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 248-модда, № 9, 422-модда, № 12, 595-модда; 2008 йил, № 4, 187-модда, № 12, 636, 641-моддалар; 2009 йил, № 4, 136-модда, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 9, 334-модда; 2012 йил, № 9/1, 238-модда; 2014 йил, № 9, 244-модда; 2015 йил, № 8, 310-модда; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 10, 605-модда; 2019 йил, № 3, 165-модда, № 5, 267-модда, № 8, 469-модда, № 9, 588, 592-моддалар, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 6, 337-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 11, 1061-модда, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 5, 464-модда) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 18-модданинг бешинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маҳкумларни кино-, фото-, видеотасвирга туширишга ва улардан интервью олишга уларнинг ёзма розилиги билан, шунингдек жазони ижро этувчи органнинг рухсатига асосан йўл қўйилади. Маҳкумларнинг хавфсизлигини ва қўриқланишини таъминловчи объектларни тасвирга олишга жазони ижро этувчи муассасанинг ёки органнинг рухсати билан йўл қўйилади»;

2) 76-модданинг иккинчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маҳкумлар қариндошлари билан ёки муассаса бошлиғининг рухсатига асосан бошқа шахслар билан муддати тўрт соатгача бўлган қисқа муддатли учрашув олиши мумкин»;

3) 105-модданинг:

биринчи қисми қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Жазони ўташ тартибини бузганлик учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаётган маҳкумларга нисбатан қўйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилиши мумкин:

огоҳлантириш;

хайфсан;

енгиллаштирилган саклаш шароитларини бекор қилиш;

навбатдаги учрашувдан маҳрум қилиш;

интизомий бўлинмага киритиб қўйиш»;

иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги «ишни рад қилиш ёки ишдан» деган сўзлар «махкумнинг меҳнатдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қўйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Агар маҳкум қўйидаги ҳаракатлардан бирини содир этса, меҳнатдан бўйин товлаган деб ҳисобланади:

узрли сабабларсиз ишга чиқмасликни ёки ишга бир ой ичида икки ва ундан ортиқ марта кечикишни;

иш вақти давомида иш жойини узрли сабабларсиз ўзбошимчалик билан тарк этишни ёки ишлаб чиқариш вазифаларини қасдан бажармасликни ёхуд бажаришни рад этишни.

Интизомий бўлинмага киритиб қўйиш тариқасидаги жазо чораси жазони ўташ тартибини биринчи марта бузган маҳкумларга нисбатан қўлланилмайди, бундан жазони ўташ тартибини қўпол тарзда бузиш мустасно»;

4) **111-модданинг биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига назарда тутилган қилмишни содир этиш, йил мобайнида камида икки марта меҳнатдан бўйин товлash, шунингдек ички тартиб-қоидалар билан тақиқланган буюмлар ва нарсаларни сақлаш, тарқатиш, истеъмол қилиш ҳамда улардан фойдаланиш жазони ўташ тартибини қўпол тарзда бузиш деб ҳисобланади»;

5) **112-модданинг:**

иккинчи қисмидаги «йигирма тўрт соатдан» деган сўзлар «ўн икки соатдан» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмидаги «Режимни» деган сўз «Сақлаш режимини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **16-боб** қўйидаги мазмундаги **112¹-модда** билан тўлдирилсин:

«112¹-модда. Сақлаш режимини ашаддий бузганлик оқибатлари

Сақлаш режимини ашаддий бузувчи деб топилган маҳкумларга нисбатан судга қўйидагилар тўғрисида тақдимнома киритилади:

манзил-колониядан умумий тартибли колонияга, умумий, қаттиқ ёки махсус тартибли колониялардан — турмага ўтказиш тўғрисида;

манзил-колониядан умумий ёки қаттиқ тартибли колонияга, қаттиқ тартибли колониядан — махсус тартибли колонияга, колониядан — турмага қайтариш ҳақида.

Тақдимнома Жиноят-процессуал кодексининг 537-моддасида назарда тутилган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади»;

7) **113-модданинг:**

иккинчи қисми:

иккинчи хатбошисидаги «тўртдан» деган сўз «учдан» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги «учдан бир қисмини» деган сўзлар «ярмини» деган сўз билан алмаштирилсин;

учинчи қисми:

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«жазони ўташ даврида ушбу Кодекснинг 112¹-моддасида назарда тутилган тартибда манзил-колониядан умумий тартибли колонияга ўтказилган, шунингдек умумий ёки қаттиқ тартибли колонияга қайтарилган маҳкумлар суд томонидан бу ҳақда ажрим чиқарилган кундан эътиборан камида икки йил мобайнида;

манзил-колониёда жазони ўташ вақтида жиноят содир этган ва суд томонидан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган маҳкумлар»;

тўртинчи, бешинчи ва **олтинчи хатбошилари** тегишинча **олтинчи, еттинчи** ва **саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

8) 114-модданинг:**биринчи қисми:**

олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«пул ва қимматли буюмларни сақлаши, улардан чекланмаган миқдорда фойдаланиши мумкин»;

еттинчи хатбошисидаги «чекланмаган миқдорда» деган сўзлар «ишдан бўш вақтда чекланмаган миқдорда» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Маҳкумлар чекланмаган миқдорда қисқа муддатли учрашувлар, йил мобайнида йигирма тўрт марта узоқ муддатли учрашувлар олиш ҳуқуқига эга. Учрашувлар, қоида тариқасида, ишдан бўш вақтда берилади. Манзил-колониё ҳудудида узоқ муддатли учрашув ўтказиш имконияти бўлмаса, учрашув маҳкумнинг аризасига биноан манзил-колониё ҳудудидан ташқарида, ушбу колониё жойлашган туман (шаҳар) ҳудудида ўтказилиши мумкин»;

учинчи қисмидаги «ундан ташқарида» деган сўзлар «манзил-колониё жойлашган туман (шаҳар) ҳудудида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Манзил-колониё ҳудудидан ташқарида яшаш ҳуқуқи Жиноят кодекси 73-моддаси тўртинчи қисмининг «в» ва «г» бандларида кўрсатилган маҳкумларга берилмайди».

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ушбу Қонуннинг 1-моддаси ва 2-моддаси 7-бандининг иккинчи, учинчи ҳамда тўртинчи хатбошилари суднинг ушбу Қонун расмий эълон қилингунига қадар қонуний кучга кирган қарорига кўра жазони ўтаётган маҳкумларга нисбатан татбиқ этилмайди. Мазкур шахсларни манзил-колонияларга ўтказиш, шунингдек уларни жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш ушбу Қонун расмий эълон қилингунига қадар амалда бўлган тартибда ва муддатларда амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 23 март,
ЎРҚ–825-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

89 Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Аҳолининг харид қобилиятини мустаҳкамлаш, асосий турдаги озиқ-овқат ва истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни таъминлаш, товарлар таъминотининг глобал занжирларини диверсификациялаш ҳамда инфляция даражасини жиловлаш мақсадида:

1. 2024 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда божхона божининг ноль ставкаси қўлланиладиган товарлар рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 31 майдаги «Истеъмол бозорларида нархлар барқарорлигини таъминлашга ва монополияга қарши чораларнинг таъсирчанлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–145-сон Фармонида:

1-банддаги ва 1-илованинг номланишидаги «2023 йил 1 июлга қадар» сўзлари «2024 йил 1 январга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банддаги «2023 йил 1 январга қадар» сўзлари «2024 йил 1 январга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамаси (Ж. Ходжаев) бир ой муддатда:

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини республика ҳудудига олиб киришда давлат назоратидан ўтказиш жараёнининг самарадорлигини ошириш ҳамда уни хавфни таҳлил қилиш тамойили асосида йўлга қўйиш;

импорт қилишда божхона божининг ноль ставкаси қўлланиладиган кундалик истеъмол товарлари рўйхатини кенгайтириш бўйича таклифларни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига киритсин.

4. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

* Ушбу Фармон «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 24 мартда эълон қилинган.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 23 март,
ПФ–41-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 23 мартдаги
ПФ–41-сон Фармонига
ИЛОВА

**2024 йил 1 январга қадар товарларни олиб киришда божхона
божининг ноль ставкаси белгиланадиган товарлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	ТИФ ТН коди	Товарнинг номланиши
1.	0203, 0208, 0209	Янги сўйилган, совитилган ёки музлатилган чўчка гўшти; бошқа гўшт ва гўштли озиқ-овқат субмахсулотлари; тузли эритмада тузланган, қуритилган ёки дудланган, эритиб ёки бошқа усул билан ажратиб олинмаган чўчка ёғи, гўшрдан ажратиб олинган ёғ ва уй паррандаси ёғи
2.	0403	Йогурт; пахта, ивиган сут ёки қаймоқ, қатиқ ва бошқа ферментланган ёки ачитилган сут ва қаймоқ, қуюлтирилган ёки қуюлтирилмаган, шакар ёки бошқа ширин таъм берувчи моддалар қўшилган ёки қўшилмаган, хушбўй таъмли қўшимчалар қўшилган ёки қўшилмаган, какао, ёнғоқ, мевалар қўшилган ёки қўшилмаган
3.	0406	Пишлоқ ва твороглар
4.	0408	Янги, қуритилган, қайнатилган ёки буғда пиширилган, формаланган, музлатилган ёки бошқа усуллар билан консервация қилинган, шакарли ёки шакарсиз, бошқа ширин таъм берувчи моддаларсиз қобиқсиз тухум ва тухумнинг сариғи
5.	0703*	Шолғомсимон думалоқ пиёз, шалот пиёзи, саримсоқпиёз, пиёз-порей ва бошқа пиёзли сабзавотлар, янги ёки совитилган
6.	0705*	Салат латук (<i>Lactuca sativa</i>) ва цикорий (<i>Cichorium spp.</i>), янги ёки совитилган
7.	0713	Дуккакли сабзавотлар, қуритилган, тозаланган, уруғланган ёки тозаланмаган, бўлинган ёки бўлинмаган
8.	0804	Янги ёки қуритилган хурмо (финик), анжир, ананас, авокадо, гуава, манго ва мангостин ёки гарсиния
9.	0808	Янги олма, нок ва беҳи
10.	0810	Бошқа янги мевалар
11.	1102	Буғдой ёки жавдардан ташқари ғалла донидан ун
12.	1103	Ғалла дон доналаридан ёрма, йирик тортилган ун ва гранулалар
13.	1105	Нозик ва дағал ун, қуқун, бўлақлар, картошка гранулалари

14.	1106	0713 товар позициядаги қуритилган дуккакли сабзавотларнинг йирик ва майда тортилган ун ва кукунлари, 08 гуруҳдаги маҳсулотлари ёки 0714 товар позициясидаги саго пальмасининг юраги, илдизлари ёки илдиз мевалари
15.	1108	Крахмал; инулин
16.	1513	Кокос (копра), пальма ядроси ёки бабассу мойлари ва уларнинг фракциялари, рафинадланган ёки рафинадланмаган, лекин кимёвий таркиби ўзгартирилмаган
17.	1602	Тайёр ёки консерваланган гўшт маҳсулотлари, ярим тайёр гўшт, қон ёки ҳашаротлар маҳсулотлари
18.	1604	Тайёр ёки консерваланган балиқ; балиқ тухумидан тайёрланган осётр икриси ва унинг ўрнини босувчи моддалар
19.	1703	Шакарни олиш ёки тозалаш натижасида ҳосил бўлган шинни
20.	1704	Таркибида какао бўлмаган қандолат маҳсулотлари (шу жумладан, оқ шоколад).
21.	1806	Какао таркибли шоколад ва бошқа тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари
22.	1902	Иссиқлик ишлови берилган ёки берилмаган, ичи тўлдирилган (гўшт ва бошқа маҳсулотлар билан) ёки тўлдирилмаган ҳамда бошқа усулда тайёрланган ёки тайёрланмаган, спагетти, макаронлар, угра (лапша), лазанья, клецки, равиоли, каннеллони каби макарон маҳсулотлари; кускус, тайёрланган ёки тайёрланмаган
23.	1905	Таркибида какао бўлган ёки бўлмаган нон, хамирли қандолат маҳсулотлари, пирожнийлар, печенье ва бошқа нон-булочка ҳамда хамирли қандолат маҳсулотлари; вафлилар, фармацевтикада керак бўладиган бўш капсулалар, ёпиштириш учун вафлили капсулалар, гуручли қоғоз ва шунга ўхшаш маҳсулотлар
24.	2004	Сирка ёки сирка кислотаси қўшилмаган ҳолда тайёрланган, консерваланган ёки музлатилган бошқа сабзавотлар
25.	2005	Сирка ёки сирка кислотаси қўшилмаган ҳолда тайёрланган, консерваланган ёки музлатилмаган бошқа сабзавотлар
26.	2007	Иссиқлик билан ишлов бериш йўли билан олинган, шу жумладан, шакар ёки бошқа ширин таъм берувчи моддалар қўшилган мурабболар, мевали желе, мармеладлар, мева ёки ёнғоқ пюреси, мева ёки ёнғоқ пасталари
27.	2008	Бошқа усулда тайёрланган ёки консерваланган мевалар, ёнғоқлар ва ўсимликларнинг бошқа истеъмол қилинувчи қисмлари, таркибида шакар ёки ширин таъм берувчи моддалар ёки спирт қўшимчалари мавжуд бўлган ёки мавжуд бўлмаган, бошқа жойда номи кўрсатилмаган ёки киритилмаган
28.	2101	Қаҳва, чой ёки парагвай чойи ёки мате, парагвай чойининг экстрактлари, эссенция ва концентратлари ҳамда қаҳва, чой ёки мате ёки парагвай чойи асосидаги тайёр маҳсулотлар; ковурилган цикорий ва бошқа ковурилган қаҳва ўрнини босувчи моддалар ва улардан экстрактлари, эссенциялари ва концентратлари
29.	2103	Соуслар тайёрлаш учун маҳсулотлар ва тайёр соуслар; таъмли қўшимчалар ва аралаш зирворлар; хантал кукун ва тайёр хантал
30.	2104	Тайёр шўрвалар ва бульонлар ва уларни тайёрлаш учун «ярим тайёр маҳсулотлар»; гомогенлаштирилган таркибли тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари
31.	2201	Сувлар, шу жумладан, табиий ёки сунъий минерал, газланган, ширин таъм берувчи моддалар ёки хушбўй таъмли қўшимчалар қўшилмаган

32.	2202	Сувлар, шу жумладан, минерал ва газланган, ширин таъм берувчи моддалар ёки хушбўй таъмли қўшимчалар қўшилган, бошқа алкохолсиз ичимликлар
33.	3305	Соч учун воситалар
34.	3307	Соқол олишдан олдин, соқол олишда ва соқол олгандан сўнг ишлатиладиган воситалар, индивидуал қўллаш учун дезодорантлар, ванна қабул қилиш учун бирикмалар, тукларни тушириш учун воситалар ва бошқа атторлик, косметик ёки бошқа пардоз воситалари, бошқа жойда номланмаган ёки киритилмаган; хоналар учун дезодорантлар, хушбўйлаштирилган ёки хушбўй қилинмаган, дезинфекциялаш хусусиятига эга ёки эга эмас
35.	6111, 6209	Болалар кийими ва болалар кийимлари учун жиҳозлар
36.	6402999100, 6403511100, 6403519100, 6403593100, 6403599100, 6403911100, 6403919100, 6403993100, 6403999100	Патак узунлиги 24 см дан кам бўлган пойабзал

* Божхона божининг ноль ставкалари 2023 йил 1 сентябрга қадар қўлланилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**90 Аҳолига маъмурий жарималарни тўлашда қўшимча қулайликлар яратиш ҳамда соҳада коррупцион омилларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Аҳолига маъмурий жарималарни тўлашда қўшимча қулайликлар яратиш ва жарима юкини камайтириш, қўлланилган жарималарни ижро этиш тизими янада содалаштириш, шунингдек, давлат органларининг аҳоли билан муносабатларида ортикча бюрократик тўсиқларни ва коррупцион омилларни бартараф этиш мақсадида:

1. 2023 йил 1 майдан бошлаб маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича қўлланилган жаримани ихтиёрий тўлаш тизими янада содалаштирилсин. Унга кўра:

ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг 50 фоизини, ўттиз кун ичида 70 фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинсин;

мазкур тартиб суд қарорларига асосан қўлланиладиган жарималарга нисбатан ҳам татбиқ этилсин.

Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур бандда назарда тутилган талаблардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тегишли қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

2. Суд ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этиш соҳасида суиистеъмолчиликларнинг олдини олиш ҳамда фуқаро ва тадбиркорларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш мақсадида, белгилансинки:

Мажбурий ижро бюроси томонидан қўлланиладиган маъмурий жариманинг миқдори ижро ҳужжатида ундирилиши белгиланган суммадан юқори бўлиши мумкин эмас;

Мажбурий ижро бюроси номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ҳамда маъмурий жазо қўллашга фақат Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат ижрочиси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг бош давлат ижрочилари, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, Мажбурий ижро бюросининг туман (шаҳар) бўлимлари бошлиқлари ҳақлидир.

Бош прокуратура бир ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган талаблардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тегишли қонун лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

3. Олий суд, Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлигининг судланганлик муддатининг тугалланиши ва уни олиб ташлаш йўналишида бюрократия ва сансалорлик ҳолатларига чек қўйиш, шунингдек, эскирган ва замон талабларига мос келмайдиган тартиб-таомилларни тубдан қисқартириш мақсадида

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 23 мартда эълон қилинган.

соҳага проактив шаклдаги давлат хизматларини кўрсатиш тамойилларини жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб:

а) судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши ҳақидаги маълумотлар Ички ишлар вазирлигининг «Тезкор маълумотлар» ягона ахборот тизимида автоматик равишда онлайн шакллантирилади;

б) судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланганлиги ҳақидаги маълумотнома судланганлик муддати тугаган ёки судланганлик олиб ташланган сананинг эртасидан кечиктирмасдан тегишли шахснинг Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинетига автоматик равишда бепул юборилади.

Ички ишлар вазирлиги Олий суд, Бош прокуратура ва Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда 2023 йил 1 июлга қадар мазкур банд ижросини таъминлаш билан боғлиқ барча зарур чораларни кўрсин.

Бунда, жумладан «Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика» ягона ахборот тизимида қуйидаги маълумотлар автоматик равишда акс эттирилишини таъминлаш йўлга қўйилсин:

Олий суд ва Ички ишлар вазирлигининг ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали судда ихтиёрий тўланган жарималар, суд қарорларини ижро этишда юзага келадиган масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ материалларнинг кўрилиши ҳақидаги маълумотлар;

Мажбурий ижро бюроси ва Ички ишлар вазирлигининг ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали ундирилган жарималар ҳақидаги маълумотлар;

«Пробация ҳисоби» электрон базаси билан «Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика» ягона ахборот тизимини ўзаро интеграция қилиш орқали пробация ҳисобидан озод этилган шахслар ҳақидаги маълумотлар.

4. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов, Олий суд раиси Б.Д. Исламов ҳамда Бош прокурор Н.Т. Йўлдошев белгилансин.

Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари С.У. Умурзаков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 23 март,
ПҚ–99-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**91 Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги «Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–14-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;

Давлат активларини бошқариш агентлиги тизими ташкилотларини қайта ташкил қилиш бўйича чора-тадбирлар режаси 2-иловага** мувофиқ;

Давлат активларини бошқариш агентлигининг ташкилий тузилмаси 3-иловага** мувофиқ;

Давлат активларини бошқариш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича «йўл харитаси» 4-иловага** мувофиқ;

«Давлат мулки» ахборот тизимига интеграция қилинадиган вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари рўйхати 5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. 2023 йил 1 майдан бошлаб, давлат мулки ҳисобини юритиш, унинг тўлиқлиги ва тўғрилигини таъминлашнинг қуйидаги тартиби жорий қилинсин:

республика мулки бўлган давлат кўчмас мулклари ва давлат акция пакетлари (улушлари) Давлат активларини бошқариш агентлигига ўтказилади, бундан Стратегик ислохотлар агентлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармасига тегишли улушлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

давлат муассасалари ва давлат иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, шунингдек, давлат улушининг вужудга келиши ва миқдорининг ўзгариши билан боғлиқ таъсис ҳужжатларига киритиладиган ўзгартиришларни давлат рўйхатидан ўтказиш Давлат активларини бошқариш агентлигининг тегишли буйруғи мавжуд бўлганда амалга оширилади;

давлат кўчмас мулк объекти ва бўш ер участкалари негизида амалга ошириладиган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар давлат шериги томонидан тегишли битим тузилгандан сўнг ўн кун муддатда «Давлат мулки» ахборот тизимига киритилади;

вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кўчмас мулки негизида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва уларни бегоналаштириш ҳамда давлат иштирокидаги корхоналар ва улар тизимидаги корхоналарга учинчи шахслар томонидан инвестиция киритишга

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 29 мартда эълон қилинган.

** 2 — 5-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

оид келишувлари (битим, шартнома, меморандумлар) бўйича мажбурий тартибда Давлат активларини бошқариш агентлигининг хулосаси олинади.

3. Белгилансинки, 2023 йил 1 июлдан бошлаб давлат иштирокидаги корхоналарда замонавий корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиш, уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш ва дивиденд сиёсатини такомиллаштириш мақсадида:

давлат иштирокидаги корхоналарнинг раҳбари ва унинг ўринбосарларини тайинлаш (сайлаш) танлов асосида амалга оширилади, бундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган маълумот «Давлат мулки» ахборот тизимига ўз вақтида тақдим этилмаганда уларнинг ижроия органи раҳбарлари рағбатлантирилишига йўл қўйилмайди;

давлат улуши бўйича дивиденд миқдори корхонанинг инвестиция лойиҳалари, бизнес-режа кўрсаткичлари ва молиявий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда давлат иштирокидаги корхоналарнинг давлат улуши бўйича сайланган кузатув кенгаши аъзолари томонидан Давлат активларини бошқариш агентлиги билан келишилган ҳолда акциядорлар (иштирокчилар) умумий йиғилишига тавсия этилади.

4. 2023 йил 1 июлдан бошлаб, давлат органлари ва муассасалари, давлат иштирокидаги корхоналар маъмурий биноларидан ходимлар учун белгиланган меъёрдан келиб чиқиб, самарали фойдаланиш тартиби жорий этилсин.

Бунда, давлат органлари ва муассасалари, давлат иштирокидаги корхоналарнинг маъмурий биноларида тижорат ташкилотларини «ноль» ставкада ёки тўғридан-тўғри жойлаштиришга йўл қўйилмайди, мазкур биноларнинг бўш майдонлари ижарага бериш учун электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқарилади ва ижара шартномалари солиқ органларининг «E-ijaга» электрон тизимида рўйхатдан ўтказилади.

5. Давлат активлари, уларни бошқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишнинг қуйидаги янги тизими жорий қилинсин:

давлат кўчмас мулк объектлари, давлат улуши, давлат унитар корхоналари ва давлат муассасалари ҳамда уларга тегишли автотранспорт воситалари тўғрисидаги маълумотлар Давлат активларини бошқариш агентлигининг расмий веб-сайтида реал вақт режимида эълон қилинади, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно;

давлат иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодиётдаги ўрни ва улуши, молиявий натижалари, бизнес-режа кўрсаткичлари бажарилиши ва бошқа муҳим ахборотларни ўз ичига олувчи давлат иштирокидаги корхоналарнинг йиғма ҳисоботи ҳар йили 1 августга қадар Давлат активларини бошқариш агентлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади;

2023 йил 1 октябргача «Давлат мулки объектлари билан савдоларни ўтказиш тўғрисидаги маълумотларни жойлаштириш портали» яратилади, унда барча давлат мулки объектларини савдога чиқариш ва унинг натижалари

тўғрисидаги ахборотлар жойлаштирилади ҳамда ушбу тизим солиқ органларининг ахборот тизимига интеграция қилинади.

6. Белгилансинки, «E-auction» электрон савдо платформасида:

хусусий мулкдорлар буюртмасига асосан уларнинг мулкларини содда-лаштирилган тартиб ва муддатларда сотиш бўйича савдолар ўтказилади;

2023 йил 1 сентябрдан бошлаб давлат иштирокидаги корхоналарнинг бўш пул маблағларини депозитга жойлаштириш бўйича тижорат банклари ўртасида фоиз ошиб бориш тарзида банк капитали етарлилиги, банк капиталининг унинг мажбуриятларига нисбати, ликвидлилик коэффициенти каби шартларни назарда тутган ҳолда аукцион савдолари ўтказилади.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 24 март,
ПҚ–101-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 24 мартдаги
ПҚ–101-сон қарорига
1-ИЛОВА

Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятининг
УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

1. Давлат активларини бошқариш ва хусусийлаштириш бўйича ваколатли давлат органи сифатида ягона давлат сиёсатини юритиш.

2. Давлат активларини очиқ ва шаффоф хусусийлаштириш орқали уларнинг иктисодиётдаги улушини муттасил қисқартириб бориш, хусусийлаштириш тартиб-таомилларини соддалаштириш.

3. Давлат мулки ҳисобини юритиш, бошқариш ва хусусийлаштириш ҳамда тўловга қобилиятсизлик жараёнларини тўлиқ рақамлаштириш.

4. Давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналарини ислох қилишда иштирок этиш, уларда самарали дивиденд сиёсатининг юритилишини мувофиқлаштириш, корхоналарнинг операцион самарадорлигини ошириш, харидлар ҳамда инвестиция лойиҳаларининг самарадорлигини ошириш.

5. Давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва бу тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилишнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш.

6. Баҳоловчи ва риэлторлар хизматини сертификатлаштириш, уларнинг фаолиятини ривожлантириш чораларини кўриш.

7. Тўловга қобилиятсизлик ишлари бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**92 Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида***

Сўнги йилларда иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, давлат активларини хусусийлаштириш орқали хусусий мулкчиликни кенгайтириш, самарасиз ишлаётган ва истикболсиз корхоналарни тугатиш юзасидан тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, охириги уч йилда устав фондида давлат улуши мавжуд 300 га яқин хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналари (кейинги ўринларда — давлат иштирокидаги корхоналар) ва 1 600 дан ортиқ кўчмас мулк объектлари хусусийлаштирилди, 650 дан ортиқ корхоналар тугатилди ва 160 таси қайта ташкил этилди.

Хусусий сектор муваффақиятли фаолият кўрсатаётган ва рақобат ривожланган соҳаларда давлат иштирокини янада қисқартириш мақсадида:

1. Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда — Давлатив агентлиги) томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар, давлат иштирокидаги корхоналар билан биргаликда 30 мингдан ортиқ давлат муассасалари, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг тизим корхоналари ҳамда кўчмас мулк объектлари таҳлил қилиниб, уларни қисқартириш бўйича таклиф ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Қуйидагилар:

оммавий савдолар орқали тўлиқлигича сотиладиган 1 001 та корхонанинг акция пакетлари (улушлари) рўйхати 1-иловага** мувофиқ;

акция пакетлари «битта акция — битта лот» тамойили асосида халқ ИРОсини ўтказиш тартибида оммавий савдолар орқали сотиладиган 40 та корхоналар рўйхати 1а-иловага** мувофиқ;

оммавий савдолар орқали сотиладиган 1 046 та давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг кўчмас мулк объектлари рўйхати 2-иловага** мувофиқ;

муниципал мулк объектларини белгилаш мезонлари 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, мазкур қарорга 1а-иловадаги давлат акция пакетларини сотиш доирасида:

энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида профессионал ташкилотлар савдо жараёнларини ташкил этиш учун жалб этилиши мумкин;

маҳаллий инвесторларга «E-auction» электрон савдо платформаси, шу жумладан мобил иловаси орқали реал вақт режимида уларни идентификация қилиш, инвестиция воситачилари билан шартнома тузиш ва депо ҳисоб рақамини очиш имконияти яратилади;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 29 мартда эълон қилинган.

** 1 — 2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

акцияларни сотиб олишда «E-auksion» электрон савдо платформасида барча инвестиция воситачилари ва уларнинг мижозлари иштирок этиши учун тенг шароитлар яратилади;

акцияларни сотиб олиш учун электрон аризалар маҳаллий инвесторнинг ўзи томонидан ёки инвесторлар номидан ҳаракат қилувчи инвестиция воситачиси орқали берилиши мумкин;

онлайн аукционлар якунларига кўра олди-сотди шартномалари қимматли қоғозлар савдолари ташкилотчиларининг савдо майдончаларидан ташқарида рўйхатдан ўтказилади ва унинг натижаси тўғрисидаги маълумот инвесторнинг шахсий кабинетига юборилади.

3. Давлат мулкни сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат комиссияси Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссияси деб қайта номлансин ҳамда унинг янгиланган таркиби 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссияси (А. Арипов):

икки ҳафта муддатда мазкур қарорга 1-, 1а- ва 2-иловалардаги активларни 2023 йилда савдога чиқариш графикларини тасдиқласин;

активларни савдога чиқаришда, зарурат бўлганда уларнинг амалдаги фаолият йўналишини сақлаб қолиш ёки негизида маълум бир йўналишдаги фаолиятни ташкил этиш каби шартларнинг белгиланишини инобатга олсин;

бир ой муддатда 1а-иловада белгиланган корхоналарнинг акцияларини халқ ИРОсини ўтказиш асосида сотиш тартибини тасдиқласин.

4. Давлатив агентлигининг «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш» АЖ ва «Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси» АЖнинг камида 10 фоиз акцияларини маҳаллий фонд бозорида халқ ИРОсини ўтказиш орқали оммавий жойлаштириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

5. Белгилансинки:

а) фонд биржасига чиқарилган давлат акция пакетларини сотишга ва олди-сотди шартномасини расмийлаштиришга фақат савдо жараёнларида камида иккита иштирокчи қатнашганда рухсат берилади;

б) барча давлат муассасаларининг асосий воситаларини сотиш ёки ижарага бериш «E-auksion» электрон савдо платформаси орқали амалга оширилади;

в) 2023 йил 1 июлдан бошлаб, жисмоний шахсларга «Давлат мулки» ахборот тизими орқали майдони 2 000 метр квадратгача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини хусусийлаштириш ёки ижарага бериш учун тўғридан-тўғри онлайн аукцион савдоларига чиқариш бўйича ариза бериш ҳуқуқи берилади;

г) 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб:

кўчмас мулк объектлари ва давлат улушлари хусусийлаштирилганлиги тўғрисидаги давлат намунасидаги ордер ва сертификат Давлат хизматлари марказлари ва (ёки) Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали QR-код қўйилган ҳолда берилади;

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

онлайн аукцион савдоларида давлат мулки объектларини сотиб олган харидорлар билан шартномалар савдо натижаси бўйича баённома асосида «E-auction» электрон савдо платформасида электрон шаклда (шу жумладан электрон рақамли имзо орқали) расмийлаштирилади;

ҳар чоракда тегишли вазирлик ва идоралар ходимларининг жойига чиққан ҳолда инвестиция мажбуриятларининг бажарилишини оралиқ мониторинг қилиш тартиби бекор қилинади;

инвестиция мажбуриятларининг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни қоғоз шаклида тақдим этиш тартиби бекор қилиниб, тегишли давлат органлари ва ташкилотларнинг электрон базасини «Давлат мулки» ахборот тизимига интеграция қилиш ва тадбиркорлар электрон тизимга киритадиган маълумотлар орқали ҳисоботларни олиш йўлга қўйилади.

6. Вазирлар Маҳкамаси:

а) икки ҳафта муддатда тугатиладиган ва қайта ташкил этиладиган давлат иштирокидаги корхоналар ва давлат муассасалари рўйхати;

б) уч ой муддатда мазкур қарорга 3-иловага мувофиқ муниципал мулк объектларини белгилаш мезонларини инобатга олиб:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига асосан тасарруф этиладиган республика мулкларининг рўйхати;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳри Кенгашлари ҳамда улар билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан тасарруф этиладиган давлат мулки объектларининг рўйхати тасдиқланишини таъминласин.

7. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Давактив агентлиги билан биргаликда мазкур қарорга 1-иловада келтирилган корхоналарга берилган эксклюзив ҳуқуқларни хатловдан ўтказиб, уларни бекор қилиш бўйича таклифлар киритиб борсин.

8. Давактив агентлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда 2023 йил 1 сентябрга қадар давлат ихтиёридаги истироҳат боғларини хатловдан ўтказиб, уларнинг фаолиятини тубдан такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Бунда, ҳудудлардаги барча давлат истироҳат боғларининг тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузурида давлат муассасаси шаклида «Истироҳат боғларини бошқариш дирекциялари»ни ташкил этган ҳолда уларга ўтказилиши назарда тутилсин.

9. Давактив агентлиги (А. Ортиқов):

а) 2023 йил 1 июнга қадар майдони 2 000 метр квадратгача бўлган давлат кўчмас мулк объектларини жисмоний шахслар аризалари бўйича хусусийлаштириш ёки ижарага бериш учун тўғридан-тўғри онлайн-аукцион савдоларига чиқариш тартибини тасдиқласин;

б) қуйидагиларни:

2023 йил 1 июлга қадар республика мулки ва маъмурий-ҳудудий тузил-

малар мулки (муниципал мулк) объектларини бошқариш тўғрисидаги қарор лойиҳасини;

2023 йил 1 августга қадар Адлия вазирлиги билан биргаликда Давлат уй-жой фондига қарашли уйдаги квартирага (уйнинг бир қисмига) мулк ҳуқуқини эътироф этиш ваколатини маҳаллий ҳокимликларга ўтказишни назарда тутган ҳолда, Давлат уй-жой фондига қарашли уйдаги квартирани (уйнинг бир қисмини) хусусийлаштириш бўйича ягона давлат хизматларини кўрсатиш бўйича маъмурий регламент лойиҳасини;

уч ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2023 йил 24 март,
ПҚ–102-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2023 йил 24 мартдаги
ПҚ–102-сон қарорига
3-ИЛОВА

Муниципал мулк объектларини белгилашнинг
МЕЗОНЛАРИ

I. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент
шаҳар муниципал мулк объектлари

1. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ депутатлари кенгашларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида тегишли мол-мулк.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари мол-мулки.

3. Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари маблағлари ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари.

4. Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган мол-мулк, жумладан муҳандислик инфраструктураси объектлари, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли интеллектуал мулк объектлари.

5. Муассиси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳисобланган давлат унитар корхоналари ва давлат муассасаларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида тегишли мол-мулк.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг хўжалик жамиятлари устав фондларидаги (устав капиталидаги) улушлари.

7. Ногиронлиги бўлган шахслар, қариялар ва фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя этилмаган бошқа тоифаларига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган давлат тиббий-ижтимоий муассасалари.

II. Туман (шаҳар) муниципал мулк объектлари

1. Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида тегишли мол-мулк.

2. Туман (шаҳар) ҳокимликлари мол-мулки.

3. Хиёбонлар ва ботаника боғлари.

4. Туман (шаҳар) бюджетларининг ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари.

5. Туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари маблағлари ҳисобидан яратилган ёки сотиб олинган мол-мулк, шунингдек, туман (шаҳар) муниципал мулк объектларига тегишли интеллектуал фаолият натижалари.

6. Муассиси туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳисобланган давлат унитар корхоналари ва давлат муассасаларига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида тегишли мол-мулк.

7. Туман (шаҳар) ҳокимликларининг хўжалик жамиятлар устав фондларидаги (устав капиталидаги) улушлари.

8. Туманлар (шаҳарлар) халқ таълими бўлимлари, маданият, спорт ва мактабгача таълим бўлимлари, шунингдек, улар тасарруфидаги мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, мактабдан ташқари таълим ва спорт муассасалари ва уларнинг мол-мулклари.

9. Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари ва уларнинг тасарруфидаги муассасалар ҳамда таркибий бўлинмалари (стационар даволаш бўлинмалари, шифо ўринга эга бўлмаган диспансерлар, кўп тармоқли марказий поликлиникалар, оилавий поликлиникалар ва оилавий шифокорлик пунктлари), санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматининг туман (шаҳар) бўлимлари ва уларнинг мол-мулклари.

10. Хўжаликларро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчалари.

11. Муниципал коммунал уй-жой фонди, коммунал хизмат кўрсатувчи давлат ташкилотлари.

12. Дафн этиш жойлари.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

93 Ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахсларга нафақа ва қўшимча тўловларни тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ва ушбу соҳага замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш орқали давлат хизмати сифатини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 17 февралдаги ПФ–74-сон, «Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 20 апрелдаги ПФ–113-сон Фармонлари ҳамда «Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фахрийларининг моддий таъминотини яхшилаш ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2022 йил 8 июндаги ПҚ–274-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда фуқаролардан қўшимча ҳужжатларни талаб этмаган ҳолда, «проактив шакл»да нафақа ва қўшимча тўловларни тайинлаш тизимини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорлари билан: ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар ва одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касалликка чалинган 18 ёшгача болаларга тўланадиган нафақалар ҳамда парваришlash нафақаси фуқаролардан қўшимча ҳужжатларни талаб этмаган ҳолда «проактив шакл»да тайинланиши;

1941 — 1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва фашистлар концлагерларининг вояга етмаган собиқ маҳбуслари ва Ленинград шахри қамал қилинган даврда ишлаган фуқароларга, шунингдек, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга бепул етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда гигиена товарлари ўрнига қўшимча тўловлар тўланиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган айрим тоифадаги шахсларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ўзгалар парвари-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 23 мартда эълон қилинган.

шига муҳтож ногиронлиги бўлган ёлғиз шахсларга қўшимча тўловни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Фуқароларга нафақа ва қўшимча тўловларни «проактив шакл»да тайинлаш бўйича давлат хизмати ўз вақтида ва сифатли кўрсатилишини таъминлаб бориш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ўзларининг тегишли ахборот тизимларини доимий равишда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ахборот тизими билан тўлиқ интеграция қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги юқорида қайд этилган вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари ўзаро интеграция қилинишига кўмаклашсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 3-иловага* мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага* мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлиги бир ой муддатда нафақа тайинлаш учун зарур бўлган вафот этган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (кейинги ўринларда — ЖШШИР) тўғрисидаги маълумотларни «Шахсга доир маълумотлар базаси» ахборот тизимида шакллантириш чораларини кўрсин.

Бунда ЖШШИР мавжуд бўлмаган вафот этган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказининг маълумотлар базасига шахсга доир маълумотлар (ўлим ҳақида гувоҳнома маълумотлари) тақдим этилганидан сўнг ЖШШИР шакллантирилади.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва молия вазири Ш. Кудбиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 23 март,
119-сон

* 3-4-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 23 мартдаги 119-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган айрим тоифадаги
шахсларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга, ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг парвариши билан банд бўлган қонуний вакилига, «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида (кейинги ўринларда — Қонун) белгиланган шартлар ва меъёрларга мувофиқ давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларга, давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлмаган вафот этган шахснинг қарамоғидаги оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзоларига, давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги шахслар ва болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналарга нафақаларни тайинлаш, қайта ҳисоблаш, уларнинг турини ўзгартириш ва тўлаш тартибларини белгилайди.

Нафақалар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган хорижий давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тайинланади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган айрим тоифадаги шахсларнинг қонуний вакили (кейинги ўринларда — қонуний вакил) — ушбу Низомнинг 3-бандида белгиланган ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларнинг отаси, онаси, васийси, ҳомийси, оилага тарбияга олувчиси (патронат) ва фарзандликка олувчиси;

нафақа — қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга, ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг парвариши билан банд бўлган қонуний вакилга, болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналарга, Қонунда белгиланган шартлар ва меъёрларга мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлмаган кекса ёшдаги шахсларга тегишли равишда нафақа ёшига тўлиши, ногиронлик ёки боқувчисини йўқотганлик муносабати билан бериладиган ойлик пул тўлови;

нафақа тайинлаш бўйича ваколатли орган (кейинги ўринларда — ваколатли орган) — Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими;

нафақаларни тайинлаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишдаги ахборот тизимлари (кейинги ўринларда — ахборот тизимлари) — ваколатли органнинг нафақа тайинлаш учун зарур бўлган маълумотлар сақланадиган «Пенсия», Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқар-

тириш ва бандлик вазирлигининг «ТИЭК», Адлия вазирлигининг «ФХДЁ-нинг ягона электрон архиви», Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг «Болаларни васийлик, ҳомийлик ва фарзандликка олиш» ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «ОИТСга қарши кураш» тизимлари;

«**проактив шакл**»да **нафақа тайинлаш** — қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ нафақа олиш ҳуқуқи пайдо бўлган шахсга унинг бирор-бир шаклдаги мурожаати талаб этилмайдиган, инсон омилисиз ваколатли орган томонидан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ахборот тизимлари орқали кўрсатиладиган давлат хизмати.

3. Қуйидагилар ижтимоий ҳимояга муҳтож айрим тоифадаги шахслар ҳисобланади:

а) ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар;

б) ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг парвариши билан банд бўлган қонуний вакил;

в) Қонунда белгиланган шартлар ва меъёрларга мувофиқ давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар;

г) Қонунда белгиланган шартлар ва меъёрларга мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлмаган вафот этган шахснинг қарамоғидаги оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзолари;

д) Қонунда белгиланган шартлар ва меъёрларга мувофиқ давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги шахслар ҳамда болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналар.

4. Ушбу Низом бўйича қуйидаги нафақалар тайинланади:

а) ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга ногиронлик нафақаси;

б) парваришlash нафақаси;

в) ногиронлик нафақаси;

г) боқувчисини йўқотганлик нафақаси;

д) ёшга доир нафақа.

5. Ушбу Низомнинг 4-банди «а» ва «б» кичик бандларида назарда тутилган нафақалар Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан ваколатли органнинг ахборот тизимига юборилган электрон маълумотлар асосида «проактив шакл»да тайинланади.

Ушбу Низомнинг 4-банди «в» — «д» кичик бандларида назарда тутилган нафақалар давлат хизматлари марказлари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали мурожаат қилиш натижасида ваколатли орган ахборот тизими томонидан инсон омилисиз автоматик тарзда тайинланади.

6. Нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар нафақа олиш ҳуқуқи пайдо бўлгандан сўнг исталган вақтда нафақа олиш учун мурожаат қилишлари мумкин.

7. Манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларга нафақа (парваришlash нафақаси бундан мустасно) тайинлаш тўғрисида манзил-колония маъмурияти томонидан бевосита манзил-колония жойлашган жойдаги давлат хизматлари марказига мурожаат қилинади.

8. «Саховат» уйларида ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатларида яшовчи шахсларга нафақа тайинлаш тўғрисида ушбу ташкилотлар маъмурияти томонидан ташкилот жойлашган жойдаги давлат хизматлари марказига муурожаат қилинади.

9. Ушбу Низомда назарда тутилган нафақаларни тайинлаш бўйича давлат хизмати ваколатли орган томонидан кўрсатилади.

10. Нафақаларни тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда ваколатли орган иштирок этади.

11. Нафақалар Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобидан тайинланади ва тўланади.

2-боб. Ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга ногиронлик нафақаси

12. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар ёки уларнинг қонуний вакиллари ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга ногиронлик нафақасини олиш ҳуқуқига эгадирлар.

3-боб. Парваришlash нафақаси

13. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини кўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 17 февралдаги ПФ–74-сон Фармонида иловада белгиланган касалликка чалинган ва ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача бола деб топилган болаларнинг қонуний вакили парваришlash нафақасини олиш ҳуқуқига эга.

14. Парваришlash нафақаси қонуний вакилга у пенсия ёки нафақа олишдан қатъи назар, ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган ҳар бир 18 ёшгача боланинг парвариши учун алоҳида тайинланади.

4-боб. Ногиронлик нафақаси

15. Ногиронлик нафақасини олиш ҳуқуқига ёшидан қатъи назар Қонунда белгиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс деб топилган шахслар эга.

5-боб. Боқувчисини йўқотганлик нафақаси

16. Боқувчисини йўқотганлик нафақасини олиш ҳуқуқига Қонунда бел-

гиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ давлат пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўлмаган вафот этган шахснинг қарамоғида бўлган оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзолари эга.

17. Қонуннинг 19-моддасида белгиланган шахслар оиланинг меҳнатга лаёқатсиз аъзолари жумласига киритилади.

6-боб. Ёшга доир нафақа

18. Қонунда белгиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги шахслар ва болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналар ёшга доир нафақани олиш ҳуқуқига эга.

19. Ёшга доир нафақа болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналарга — 55 ёш, аёлларга — 60 ёш ва эркакларга — 65 ёшга етганда тайинланади.

20. Болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналарга ёшга доир нафақа фарзанди болаликдан ногиронлиги бўлган шахс (бола) деб эътироф этилганлиги тўғрисида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан берилган электрон маълумотларга асосан ваколатли орган томонидан тайинланади.

Болаликдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналарга ёшга доир нафақа Қонунда белгиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги шахсларнинг нафақаси миқдоридан тайинланади.

7-боб. Нафақаларни тайинлаш

21. Ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга нафақа ҳамда парвариш-лаш нафақаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан ваколатли органнинг «Пенсия» ахборот тизимига юборилган электрон маълумотлар асосида «проактив шакл»да тайинланади.

Ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик ва ёшга доир нафақалар давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан ваколатли органнинг «Пенсия» ахборот тизимига юборилган электрон маълумотлар асосида тайинланади.

22. Ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болага ва (ёки) унинг қонуний вакилига «проактив шакл»да ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема бўйича нафақа тайинланади.

23. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги тиббий кўрикка келган 18 ёшгача бўлган болаларни қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тиббий кўриқдан ўтказди ва тиббий кўрик натижаларига кўра ногиронлик белгиланган тақдирда, болага ва (ёки) унинг қонуний вакилига «проактив шакл»да нафақаларни тайинлаш учун ушбу Ни-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

зомга 2-иловага* мувофиқ электрон маълумотларни «ТИЭК» ахборот тизими орқали ногиронлик белгиланган 18 ёшгача боланинг ва (ёки) унинг қонуний вакилининг доимий ёки вақтинча турган жойи бўйича ваколатли органнинг «Пенсия» ахборот тизимига юборади.

24. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ОИВга чалинган 18 ёшгача бола ва (ёки) унинг қонуний вакилига «проактив шакл»да нафақани тайинлаш учун ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ электрон маълумотларни «ОИТСга қарши кураш» ахборот тизими орқали ОИВга чалинган 18 ёшгача бола ёки унинг қонуний вакилининг доимий ёки вақтинча турган жойи бўйича ваколатли органнинг «Пенсия» ахборот тизимига юборади.

25. Ваколатли орган ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга ногиронлик нафақасини тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан юборилган маълумотлар асосида:

қонуний вакилни ногиронлиги бўлган 18 ёшгача бола ёки ОИВга чалинган 18 ёшгача бола билан қариндошлик алоқаларини ўрганиш учун Адлия вазирлигининг «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимига;

қонуний вакилни ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг ва ОИВга чалинган 18 ёшгача бўлган боланинг васийси ёки ҳомийси эканлиги ҳақидаги маълумотларни ўрганиш учун Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг «Болаларни васийлик, ҳомийлик ва фарзандликка олиш» ахборот тизимига сўровлар юборади.

26. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ваколатли орган томонидан келиб тушган қонуний вакилнинг ногиронлиги бўлган 18 ёшгача бола ва ОИВга чалинган 18 ёшгача бола билан қариндошлик алоқалари ҳақидаги маълумотларни «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали ўрганиб чиқади ва маълумотларни ваколатли органнинг «Пенсия» ахборот тизимига юборади.

27. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ваколатли орган томонидан келиб тушган қонуний вакилнинг ногиронлиги бўлган 18 ёшгача бола ва ОИВга чалинган 18 ёшгача боланинг васийси ёки ҳомийси эканлиги ҳақидаги маълумотларни «Болаларни васийлик, ҳомийлик ва фарзандликка олиш» ахборот тизими орқали ўрганиб чиқади ва зарур маълумотларни ваколатли органнинг «Пенсия» ахборот тизимига юборади.

28. Ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан юборилган сўров натижалари асосида «Пенсия» ахборот тизими орқали электрон равишда ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг қонуний вакилига тегишли нафақани тайинлаш ёки нафақа тайинлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

29. Ваколатли орган томонидан қуйидаги ҳолларда ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг қонуний вакилига нафақа тайинлаш рад этилади:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қонуний вакилнинг ногиронлиги бўлган 18 ёшгача бола ва ОИВга чалинган 18 ёшгача бола

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

билан қариндошлик алоқалари ҳақидаги маълумотлар аниқланмаганлиги тўғрисида маълумот берилганда;

Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан қонуний вакилнинг ногиронлиги бўлган 18 ёшгача бола ва ОИВга чалинган 18 ёшгача боланинг васийси ёки ҳомийси эканлиги ҳақидаги маълумотлар аниқланмаганлиги тўғрисида маълумот берилганда.

Ушбу бандда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари бошқа ҳолларда қонуний вакилга нафақани тайинлашни рад этиш тақиқланади.

30. Ваколатли орган томонидан:

ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болага ёки унинг қонуний вакилига нафақа тайинланганда, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ёки Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган электрон маълумотномада кўрсатилган мобил телефон рақамига 5 дақиқа ичида нафақа тайинланган муддат, нафақа миқдори, нафақани қачон ва қаердан олиш тўғрисида СМС-хабар;

ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг қонуний вакилига нафақа тайинлаш рад этилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ёки Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган электрон маълумотномада кўрсатилган мобил телефон рақамига 5 дақиқа ичида нафақа тайинланиши рад этилгани ва унинг сабаблари кўрсатилган СМС-хабар юборилади.

31. Ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг қонуний вакилига «проактив шакл»да парваришлаш нафақаси ушбу Низомга 4-иловага* мувофиқ схема бўйича тайинланади.

32. Ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг қонуний вакилига «проактив шакл»да парваришлаш нафақасини тайинлаш учун Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан ногиронлиги бўлган 18 ёшгача бола ўзгалар парваришига муҳтож деб топилгандан сўнг ушбу Низомга 5-иловага* мувофиқ электрон маълумотларни «ТИЭК» ахборот тизими орқали қонуний вакилнинг доимий ёки вақтинча турган жойи бўйича ваколатли органнинг «Пенсия» ахборот тизимига юборади.

33. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги орттирилган иммунитет танқислиги синдромининг (ОИТС) IV босқичига чалинган ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг қонуний вакилига «проактив шакл»да парваришлаш нафақасини тайинлаш учун ушбу Низомга 6-иловага* мувофиқ электрон маълумотларни «ОИТСга қарши кураш» ахборот тизими орқали қонуний вакилнинг доимий ёки вақтинча турган жойи бўйича ваколатли органнинг «Пенсия» ахборот тизимига юборади.

34. Ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан юборилган маълумотлар асосида:

қонуний вакилни ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача бола билан қариндошлик алоқаларини ўрганиш учун Адлия вазирлигининг «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимига;

* 4 — 6-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қонуний вакилни ўзгалар парваришига мухтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг васийси ёки ҳомийси эканлиги ҳақидаги маълумотларни ўрганиш учун Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг «Болаларни васийлик, ҳомийлик ва фарзандликка олиш» ахборот тизимига сўровлар юборди.

35. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ваколатли орган томонидан келиб тушган қонуний вакилнинг ўзгалар парваришига мухтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача бола билан қариндошлик алоқалари ҳақидаги маълумотларни «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизими орқали ўрганиб чиқади ва 5 дақиқа ичида зарур маълумотларни ваколатли органнинг «Пенсия» ахборот тизимига юборди.

36. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ваколатли орган томонидан келиб тушган қонуний вакилнинг ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг васийси ёки ҳомийси эканлиги ҳақидаги маълумотларни «Болаларни васийлик, ҳомийлик ва фарзандликка олиш» ахборот тизими орқали ўрганиб чиқади ва 5 дақиқа ичида зарур маълумотларни ваколатли органнинг «Пенсия» ахборот тизимига юборди.

37. Ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан юборилган сўров натижалари асосида «Пенсия» ахборот тизими орқали автоматик равишда ўзгалар парваришига мухтож 18 ёшгача ногиронлиги бўлган боланинг қонуний вакилига парваришlash нафақасини тайинlash ёки тайинlashни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

38. Ваколатли орган қуйидаги ҳолларда ўзгалар парваришига мухтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг қонуний вакилига парваришlash нафақасини тайинlashни рад этади:

а) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қонуний вакилнинг ўзгалар парваришига мухтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача бола билан қариндошлик алоқалари ҳақидаги маълумотлар аниқланмаганлиги тўғрисида маълумот берилганда;

б) Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги томонидан қонуний вакилнинг ўзгалар парваришига мухтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг васийси ёки ҳомийси эканлиги ҳақидаги маълумотлар аниқланмаганлиги тўғрисида маълумот берилганда.

Ушбу бандда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари бошқа ҳолларда қонуний вакилга парваришlash нафақасини тайинlashни рад этиш тақиқланади.

39. Ваколатли орган томонидан:

ўзгалар парваришига мухтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача боланинг қонуний вакилига парваришlash нафақаси тайинланганда, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ёки Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан берилган электрон маълумотномада кўрсатилган нафақа олувчининг мобил телефон рақамига 5 дақиқа ичида нафақа тайинланган муддат, нафақа миқдори, нафақани қачон ва қаердан олиш тўғрисида СМС-хабар юборилади;

шахсга парваришлар нафақасини тайинлаш рад этилган тақдирда, рад этиш сабаблари кўрсатилган СМС-хабар юборилади.

40. Ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик ва ёшга доир нафақалар ушбу Низомга 7 — 9-иловаларга* мувофиқ схемалар бўйича тайинланади.

41. Ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик ва ёшга доир нафақасини олиш ҳуқуқи пайдо бўлган шахс (бола) ёки унинг қонуний вакили (кейинги ўринларда — муурожаат қилувчи) нафақа олиш ҳуқуқи пайдо бўлгандан сўнг давлат хизматларидан фойдаланиш учун давлат хизматлари марказларига ўзи келиб ёки давлат хизматларидан электрон тарзда фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтган ҳолда муурожаат қилади.

42. Муурожаат қилувчи ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик нафақаси ва ёшга доир нафақани олиш учун ўзи келиб муурожаат қилганда, давлат хизматлари маркази ходими муурожаат қилувчининг номидан, муурожаат қилувчи ЯИДХП орқали муурожаат этган тақдирда, мустақил равишда ушбу Низомга 10-иловага* мувофиқ шаклдаги сўровномани электрон тарзда тўлдиради.

43. Сўровнома тўлдирилгандан сўнг муурожаат қилувчи маълумотларнинг тўғрилигини текшириб, сўровномани тасдиқлайди.

Муурожаат қилувчи ўзи келиб муурожаат қилган тақдирда, сўровномани тасдиқлаш имконияти бўлмаган ҳолларда тегишли имзолар идентификация қилишнинг бошқа воситалари (дактилоскопия, электрон имзо ва бошқалар) билан ҳам тасдиқланиши мумкин.

44. Муурожаат қилувчилар томонидан сўровнома тасдиқлашнинг рад этилиши давлат хизматлари кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Агар сўровномада муурожаат қилувчиларнинг нотўғри маълумотлари кўрсатилган бўлса, ушбу камчиликларни бартараф этиш учун муурожаат қилувчига беш кун муддат берилади ҳамда давлат хизмати кўрсатилиши муддатининг ўтиши камчиликларни бартараф этиш вақтида тўхтатиб турилади.

Белгиланган муддатда камчиликлар бартараф этилмаганлиги давлат хизмати кўрсатишни рад этиш учун асос ҳисобланади.

Давлат хизматлари кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

45. Муурожаат қилувчи давлат хизматларидан фойдаланишдан уни кўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш ҳуқуқига эга. Муурожаат қилувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўриб чиқилмасдан қолдирилади.

46. Муурожаат қилувчи давлат хизматлари марказига келиб муурожаат этган тақдирда, унинг сўровномаси давлат хизматлари маркази ходими томонидан тўлдирилиб, муурожаат қилувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг 5 дақиқа ичида, ЯИДХП орқали муурожаат қилинганда автоматик тарзда ваколатли органнинг «Пенсия» ахборот тизимига электрон шаклда юборилади.

47. Ваколатли орган сўровномани ахборот тизими орқали олгандан сўнг 5 дақиқа ичида:

нафақа тайинлаш учун муурожаат қилган шахснинг вафот этган шахс билан қариндошлик алоқаларини, вафот этган шахснинг фарзандлари, ои-

* 7 — 10-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ланинг меҳнатга лаёқатли бўлмаган аъзолари, шу жумладан, вафот этган оила аъзоси тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш учун Адлия вазирлигининг «ФХДЁнинг ягона электрон архиви» ахборот тизимига;

нафақа тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг ногиронлиги бўлган шахснинг ҳомийси эканлиги ҳақидаги маълумотларни ўрганиш учун Мактаб-гача ва мактаб таълими вазирлигининг «Болаларни васийлик, ҳомийлик ва фарзандликка олиш» ахборот тизимига сўров юборади;

нафақа тайинлаш учун мурожаат қилган шахснинг ногиронлиги мавжуд ёки мавжуд эмаслиги ҳамда болаликдан ногиронлиги бор (бўлган) фарзандлари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг «ТИЭК» ахборот тизими орқали автоматик тарзда ўрганади.

48. Ваколатли орган мурожаатчининг маълумотларини ўрганганидан сўнг 5 дақиқа ичида нафақа тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва бу ҳақдаги маълумотни тегишли давлат хизматлари марказига юборади.

Нафақа тайинлаш учун ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда, нафақа тайинлашни рад этиш сабаблари кўрсатилган маълумот ваколатли орган томонидан мурожаат қилувчининг мобил телефон рақамига СМС-хабар юборилади.

49. Давлат хизматлари маркази ваколатли органдан маълумотларни олганидан сўнг 5 дақиқа ичида:

нафақа тайинланган тақдирда, нафақани қачон ва қаердан олиш тўғрисида мурожаат қилувчини хабардор қилади;

нафақа тайинлаш рад этилган тақдирда, рад этиш сабаблари тўғрисида мурожаат қилувчини хабардор қилади.

50. Боқувчисини йўқотганлик нафақасини олиш ҳуқуқига эга бўлган оила аъзоларининг барчасига битта умумий нафақа тайинланади. Оила аъзосининг талабига кўра унинг нафақадаги улуши ажратилади ва унга алоҳида тўланади. Бунда тайинланган нафақанинг умумий миқдори олувчиларнинг умумий сонига бўлинади.

51. Бошқа туманда (шаҳарда) яшайдиган оила аъзоси ўзига боқувчисини йўқотганлик нафақасидан нафақа улушини тайинлаш ёки ажратиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилганда, мурожаат қилувчининг доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича ваколатли орган оиланинг барча аъзоларига ҳужжатларни расмийлаштирадиган ёки ушбу оиланинг амалдаги ҳужжатлар йиғмажилди турган ваколатли органга тегишли хабарномани юборади ва нафақа боқувчисини йўқотганлик нафақасидан улуш ажратиб бериш тўғрисида мурожаат қилинган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб тайинланади.

52. Нафақалар:

а) ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга ногиронлик нафақаси Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан ваколатли органга «ТИЭК» ахборот тизими орқали юборилган ногиронлиги бўлган 18 ёшгача бола деб топилган кундан бошлаб, ногиронлик

белгиланган муддатнинг бутун даврга, бироқ ногиронлиги бўлган бола 18 ёшдан ошмаган муддатга;

б) парваришlash нафақаси қонуний вакилга Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан ваколатли органга «ТИЭК» ахборот тизими орқали юборилган ногиронлиги бўлган 18 ёшгача бола ўзгалар парваришига мухтож деб топилган кундан бошлаб, ногиронлиги бўлган 18 ёшгача бола ўзгалар парваришига мухтож деб топилган муддатнинг бутун даврига, бироқ ногиронлиги бўлган бола ўзгалар парваришига мухтож деб топилган 18 ёшдан ошмаган муддатга;

в) ногиронлик нафақаси ёшидан қатъи назар, Қонунда белгиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан ваколатли органга «ТИЭК» ахборот тизими орқали юборилган шахсни I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахс деб топилган муддатга;

г) боқувчисини йўқотганлик нафақаси Қонунда белгиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган вафот этган шахснинг меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларига Қонуннинг 19-моддасида белгиланган муддатга;

д) ёшга доир нафақа Қонунда белгиланган шартларга ва меъёрларга мувофиқ давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги шахсларга ва болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) оналарга ушбу Низомнинг 19-бандида белгиланган ёшга тўлган кундан умрбод муддатга тайинланади.

53. Ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларга ногиронлик нафақаси улар бошқа пенсиялар ва нафақалар олишидан қатъи назар, 18 ёшга тўлгунига қадар тайинланади.

54. Ваколатли орган сўровномани ахборот тизимлари орқали олгандан сўнг 5 дақиқа ичида:

қонуний вакил ушбу Низомнинг 19-бандида назарда тутилган шахснинг ҳомийси эканлиги ҳақидаги маълумотларни ўрганиш учун Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг «Болаларни васийлик, ҳомийлик ва фарзандликка олиш» ахборот тизими орқали;

болалиқдан ногиронлиги бўлган фарзанди бор (бўлган) онани фарзанди ногиронлиги болалиқдан бўлган шахс (бола)лиги тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг «ТИЭК» ахборот тизими орқали автоматик тарзда ўрганади.

55. Давлат хизматлари маркази маълумот олингандан сўнг 5 дақиқа ичида:

нафақа тайинланган тақдирда, нафақани қачон ва қаердан олиш тўғрисида мурожаат қилувчини хабардор қилади;

нафақа тайинлаш рад этилган тақдирда, рад этиш сабаблари тўғрисида мурожаат қилувчини хабардор қилади.

56. Нафақалар Қонуннинг 47-моддасида белгиланган муддатларда тайинланади.

57. Ушбу Низом қоидаларига асосан шахснинг нафақа олиш ҳуқуқи йўқлиги сабабли унга нафақа тайинлаш рад этилган тақдирда, ваколатли орган рад этиш сабаблари кўрсатилган маълумотни тегишли давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХП орқали нафақа олган шахсга электрон тарзда юборади.

8-боб. Нафақаларни қайта ҳисоблаб чиқиш

58. Нафақалар қонунчиликка мувофиқ нафақа миқдори ёки нафақа ҳисоблаш тартиби ўзгарган тақдирда қайта ҳисоблаб чиқилади. Бунда нафақалар уларнинг миқдори ёки ҳисоблаш тартиби ўзгаришига асос бўлган қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддат ва миқдорларда ваколатли орган томонидан қайта ҳисоблаб чиқилади.

59. Боқувчисини йўқотганлик нафақаси оиланинг меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари таркиби ўзгарганда қайта ҳисоблаб чиқилади. Нафақалар ушбу ҳолатлар бошланган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб қайта ҳисоблаб чиқилади.

9-боб. Нафақаларни тўлаш

60. Нафақалар нафақа олувчининг хоҳишига кўра нафақани етказиб бериш (топшириш) ваколоти юкланган ташкилот ёки фуқароларнинг депозит ҳисобварақларига пул ўтказиш йўли билан тижорат банкининг филиали орқали тўланади.

61. Нафақалар ҳар ойда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган муддатларда, бироқ жорий тўлов ойдан кечикмай тўланади.

62. Нафақалар ногиронлик муддати белгиланган сўнгги ой учун, меҳнатга лаёқатсиз бўлган оила аъзоси 18 ёшга тўлган ой учун, меҳнатга лаёқатсиз бўлган оила аъзоси таълим ташкилотининг ўқувчиси ёки талабаси бўлса 23 ёшга тўлган ой учун, меҳнатга лаёқатсиз бўлган оила аъзоси таълим ташкилотининг ўқувчилари ёки талабалари сафидан чиқарилган сўнгги ой учун, ўзгалар парваришига мухтож ногиронлиги бўлган бола 18 ёшга тўлган ой учун тўлиқ миқдорда тўланади.

63. Нафақалар қонунчиликда белгиланган тартибда ишончнома орқали тўланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ташқарисида расмийлаштирилган ишончномага ушбу ҳужжат расмийлаштирилган давлатнинг ваколатли органи томонидан апостиль қўйилиши лозим, Фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар (Минск шаҳри, 1993 йил 22 январь) аъзоси бўлган давлатлар — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар бундан мустасно.

Бунда ишончнома берган шахс ваколатли органга бир йилда камида бир марта келиб, тайинланган нафақага бўлган ўз ҳуқуқини тасдиқлаши керак. Ваколатли орган томонидан нафақа олувчининг келиш имконияти мавжуд эмаслиги (соғлиғи туфайли, даволаш муассасаларида, шу жумладан, рухий ҳолати бузилган шахслар учун стационар даволанишда бўлиш) тўғрисида маълумотлар олинган тақдирда, ваколатли орган ходимлари тайинланган на-

фақага бўлган ҳуқуқни тасдиқлаш учун нафақа олувчи турган жойга бориш ҳуқуқига эга.

Нафақа олувчи хорижий давлатда бўлган ва Ўзбекистон Республикасига келиш имкониятига эга бўлмаган ҳолатларда, нафақа олувчи Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига мурожаат этиши мумкин ва хорижий давлат ҳудудида доимий яшаш ҳолати мавжуд эмаслигини, шунингдек, пенсия ёки ижтимоий нафақа олмаслигини тасдиқлаши лозим.

Ишончли вакил нафақа тўлашга таъсир этиши мумкин бўлган ва ўзига маълум барча ҳолатлар тўғрисида ваколатли органга хабар бериши шарт.

Ишончнома нафақани етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилотнинг бўлинмасида сақланади. Бунда нафақани етказиб бериш (топшириш) вазифаси юкланган ташкилотнинг бўлинмаси ишонч билдирилган шахс томонидан ишончнома тақдим этилган санадан бошлаб ўн кун муддатда ваколатли органга нафақани етказиб бериш (топшириш) юкланган ташкилот бўлинмасининг асосий муҳри ва раҳбарнинг имзоси билан тасдиқланган ишончнома нусхасини юбориши шарт.

64. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахснинг яшаш гувоҳномаси (ID-картаси) амал қиладиган муддат давомида тўланади.

65. Шахснинг доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи мавжуд бўлмаса ёхуд яшаш учун рухсатноманинг кейинги санаси ўртасида узилиш мавжуд бўлган тақдирда, нафақани тўлаш доимий яшаш, вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишнинг ёки яшаш учун рухсатноманинг янги санасидан бошлаб давом эттирилади. Бунда нафақани тўлаш нафақа тўлаш тўхтатилган пайтдан, бироқ Қонуннинг 59-моддасида назарда тутилган тартиблар асосида давом эттирилади.

66. Шахс томонидан қайта тиббий текширишдан ўтказиш муддати ўтказиб юборилганда, нафақалар Қонуннинг 55-моддасида назарда тутилган тартибда тўланади.

67. Нафақа олувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида доимий яшаш учун бошқа туман (шаҳар)га кўчганда, нафақани тўлаш янги яшаш жойи бўйича тегишли ваколатли орган томонидан давом эттирилади. Бундай ҳолатда нафақа тўлаш аввалги яшаш жойи бўйича нафақа тўлаш тўхтатилган вақтдан бошлаб давом эттирилади.

Нафақа олувчиларни ҳисобдан чиқариш ва янги яшаш жойида ҳисобга олиш тартиби, шунингдек, уларнинг йиғмажилдларини жўнатиш тартиби қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

68. «Саховат» уйларида ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионатларида яшовчи давлат пенсиясини тайинлаш учун зарур иш стажига эга бўлмаган шахсларга, уларнинг шахсий сарф-харажатлари учун тегишли ёшга доир, боқувчисини йўқотганлик ёки ногиронлик нафақасининг 20 фоизи миқдоридаги маблағ тўлаб борилади.

69. Тайинланган нафақани тўлаш:
нафақа олувчи вафот этганда;

нафақа олувчини тайинланган нафақани олиш ҳуқуқи йўқолганда;
нафақа олувчи хорижий давлатда бўлган даврида пенсия (ижтимоий нафақа) олганлиги аниқланганда;

доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ташқарисига чиқиб кетилганда тўхтатилади.

70. Тайинланган нафақани тўлаш:

нафақа тўлаш муддати тамом бўлганда;

кетма-кет уч ойдан ортиқ вақт мобайнида нафақани етказиб бериш (топшириш) вазифаси юкланган ташкилот орқали нафақа олинмаганда;

нафақа олувчи озодликдан маҳрум этилганда (манзил-колонияларда жазони ўтаётган шахслар бундан мустасно);

нафақа олувчи руҳий ҳолати бузилган шахслар учун интернат уйларида яшаганда;

нафақани тўлашни тўхтатиб туриш тўғрисида нафақа олувчи томонидан ариза берилганда;

суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазони ўташдан бўйин товлаётган шахсларни қидиришга эълон берилганда, бедарак йўқолганда;

ишончнома берган шахс унга тайинланган нафақага ҳуқуқни тасдиқлаш учун белгиланган муддатда келмаганда вақтинча тўхтатиб турилади.

Тайинланган нафақани тўлаш қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳолларда ҳам тўхтатиб турилади.

Нафақани тўлаш ушбу банд бўйича тўхтатилган тақдирда, нафақа олувчи ёки унинг қонуний вакили ваколатли органга келиб шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатган ҳолда ариза билан мурожаат қилгандан сўнг тикланади.

Нафақа олувчи хорижий давлатда бўлиб, Ўзбекистон Республикасига келиш имкониятига эга бўлмаган ҳолатларда, нафақа олувчи Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхонаси ёки консуллик муассасасига нафақа тўловини тиклаш юзасидан мурожаат этиши ва хорижий давлат ҳудудида доимий яшаш ҳолати мавжуд эмаслигини, шунингдек, пенсия ёки ижтимоий нафақа олмаслигини тасдиқлаши лозим.

Нафақани тўлаш ваколатли орган томонидан қайта тикланади.

71. Нафақа олувчи нафақа тўлашнинг тўхтатилиши ёки қайта тикланишига олиб келадиган бошқа ҳолатлар (нафақа тайинланган шахслар тўлиқ давлат таъминотига ўтказилганда ёки «Меҳрибонлик», «Мурувват» уйларига ва шу кабиларга юборилганлиги ёки ундан қайтиб келганлиги сабабли тўлиқ давлат таъминотидан чиқарилганда, ногиронлиги бўлган болани тарбиялаш учун оилага қабул қилиш тўғрисидаги битим бекор қилинганда) пайдо бўлганда, нафақа тўлаш тегишли ҳолатлар пайдо бўлган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб тўхтатилади ёки қайта тикланади.

72. Нафақа олувчи озодликдан маҳрум этишга ҳукм этилган тақдирда, тайинланган нафақани тўлаш тўхтатилади (манзил-колонияларда жазони ўтаётган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахслар бундан мустасно) ва жазодан озод этилгандан кейин мурожаат қилинган кундан бошлаб қайта тикланади.

73. Нафақа олувчи томонидан ўз вақтида талаб қилинмаган ҳисобланган нафақа суммаси уни олиш учун мурожаат қилган кундан Қонуннинг 59-моддасида назарда тутилган тартиблар асосида қайта тикланади ва бир йўла тўланади.

Пенсия жамғармаси бўлимининг айби билан ўз вақтида олинмаган нафақа суммаси бирор-бир муддат билан чекловсиз бир йўла тўланади.

74. Қонунга мувофиқ давлат пенсиясининг турларидан бирини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсга унинг ўзи танлаган нафақа ёки давлат пенсиясининг турларидан бири тайинланади. Ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болага нафақа ва парваришлаш нафақаси бундан мустасно.

75. Нафақа олувчига Қонунга мувофиқ давлат пенсияси турларидан бири тайинланганда нафақа тўлаш тўхтатилади, пенсия эса нафақа охириги маротаба тўланган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб тўланади.

76. Нафақа олувчига тегишли бўлган ва унинг вафот этиши сабабли олинмай қолган нафақа суммаси мерос таркибига киритилмайди ва унинг қонуний вакилига ва нафақа олувчи билан у вафот этган кунда бирга яшаган оила аъзоларига тўланади.

Нафақа олувчи вафот этган ой учун тўлиқ олинмай қолинган нафақа суммаси юқорида кўрсатиб ўтилган шахсларга вафот этган ой учун тўлиқ миқдорда тўланади. Бунда нафақа олувчи вафот этган ой учун банк пластик картасига кирим қилинган маблағлар вафот этган нафақа олувчининг қонуний вакилига ва нафақа олувчи билан у вафот этган кунда бирга яшаган оила аъзоларига қайта тўланмайди ва ваколатли органга қайтарилмайди.

Бир неча шахс олинмай қолинган нафақани олиш учун мурожаат қилганда, уларга тегишли нафақа суммаси улар ўртасида тенг миқдорда тақсимланади.

Кўрсатиб ўтилган сумма нафақа олувчи вафотидан кейин олтмиш кундан кечикмай мурожаат қилинган тақдирда тўланади.

Ногиронлиги бўлган 18 ёшгача бола ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг олинмай қолган нафақа суммаси ногиронлик белгиланган муддатдан ошмаган давр учун тўланади.

10-боб. Якунловчи қоидалар

77. Ушбу Низом қабул қилингунга қадар нафақа тайинлаш учун ариза билан бирга тақдим этилган барча ҳужжатлар ва Пенсия жамғармаси бўлимининг нафақа тайинлаш тўғрисидаги қарори нафақа олувчининг алоҳида шахсий ҳужжатлар йиғмажилдида сақланади.

Нафақа «проактив шакл»да тайинланганда ва нафақа тайинлаш учун давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХП орқали мурожаат қилинганда, маълумотлар «Пенсия» ахборот тизимида сақланади.

78. Манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимларидан нафақа олувчи тўғрисида автоматлаштирилган тарзда олинган электрон шаклдаги маълумотлар «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳимояланади.

Тегишли давлат органлари ўз фаолиятини амалга ошириши натижасида

нафақа олувчи тўғрисида олинган маълумотларнинг сир сақланишини таъминлайди.

79. Ушбу Низомга мувофиқ нафақаларни тайинлаш учун зарур бўлган ва ваколатли органга ахборот тизимлари орқали юборилган маълумотларнинг тўғрилиги ҳамда ҳаққонийлиги учун жавобгарлик ушбу маълумотларни юборган вазирлик ёки идорага юклатилади.

80. Нафақа миқдори ўзгаришига ёки уни тўлаш тўхтатилишига олиб келадиган ҳолатлар пайдо бўлган тақдирда, нафақа олувчи бу ҳақда ваколатли орган бўлимига хабар бериши шарт.

81. Нафақадан чегирмалар Қонуннинг 65-моддасида белгиланган тартибда амалга оширилади.

82. Нафақа олувчи ушбу Низомга асосан тайинланган нафақани ваколатли органга ташриф буюрган ҳолда, ёзма равишда қилган мурожаати асосида ихтиёрий тўхтатиш ҳуқуқига эга.

83. Нафақани тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш тўғрисидаги қарор юзасидан мурожаат қилувчи томонидан бевосита судга ёки бўйсунув тартибида юқори турувчи органга шикоят қилиниши мумкин.

84. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, унинг ҳудудий бошқармалари ва давлат хизматлари марказлари ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик ва ёшга доир нафақаларни тайинлашда ушбу Низом талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти юзасидан доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.

85. Давлат хизматлари кўрсатилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

86. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 23 мартдаги 119-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз ногиронлиги бўлган шахсларга қўшимча тўловни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз ногиронлиги бўлган шахсларга «проактив шаклда қўшимча тўловни тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

Қўшимча тўлов Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган хорижий давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тайинланади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

«проактив шакл»да қўшимча тўлов тайинлаш бўйича давлат хизматларини кўрсатишнинг ахборот тизимлари (кейинги ўринларда — ахборот тизимлари) — ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз ногиронлиги бўлган шахсларнинг маълумотлари сақланадиган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг «Пенсия», Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг «ТИЭК» ахборот тизимлари;

ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз ногиронлиги бўлган шахслар (кейинги ўринларда — ёлғиз кексалар ёки ёлғиз ногиронлиги бўлган шахслар) — фарзандлари, шу жумладан асраб олган фарзандлари (вояга етмаган ёки ногиронлиги бўлган болалар бундан мустасно), эри/хотини, ота-онаси, шунингдек, васийлари, ҳомийлари ва суд томонидан кексани ёки ногиронлиги бўлган шахсни парвариш қилиш мажбурияти зиммасига юкланган шахслари бўлмаган ўзгалар парваришига муҳтож I ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз шахслар ва пенсия ёшидаги (60 ёшга етган эракалар, 55 ёшга етган аёллар) ёлғиз кексалар;

проактив шаклда қўшимча тўловни тайинлаш бўйича ваколатли орган (кейинги ўринларда — ваколатли орган) — Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар) бўлими;

қўшимча тўлов — уни олиш ҳуқуқи пайдо бўлган шахсларга пенсия ёки нафақа тури ва миқдоридан қатъи назар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган миқдорларда тўланадиган ҳар ойлик пул тўлови.

3. Ушбу Низомга мувофиқ «проактив шакл»да қўшимча тўловни тайинлашга оид давлат хизмати ваколатли орган томонидан кўрсатилади.

4. Қўшимча тўловни тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ва ваколатли орган иштирок этади.

5. Давлат хизмати кўрсатилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

6. Қўшимча тўлов ваколатли органда пенсия ва нафақа олувчи сифатида рўйхатда турган фуқароларга ваколатли органнинг маблағлари ҳисобидан ҳар ойда тайинланади ва тўланади.

2-боб. Қўшимча тўловни тайинлаш

7. Қўшимча тўлов Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан «ТИЭК» ахборот тизими орқали кекса ёшдаги шахсни ва ногиронлиги бўлган шахсни ўзгалар парваришига муҳтожлиги ва ёлғизлиги тўғрисида электрон маълумот берилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб ваколатли орган томонидан «Пенсия» ахборот тизими орқали «Проактив шакл»да тайинланади.

8. «Проактив шакл»да ёлғиз кексалар ва ёлғиз ногиронлиги бўлган шахсларга қўшимча тўловни тайинлаш бўйича давлат хизматини кўрсатиш ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ схема асосида амалга оширилади.

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

9. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги:

а) кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларни ўзгалар парваришига мухтож эканлигини қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ аниқлайди ва ушбу Низомга 2-иловага* мувофиқ электрон рўйхатни шакллантиради;

б) ушбу Низомга 3-иловага* мувофиқ ёлғиз кекса ва ёлғиз ногиронлиги бўлган шахслар тоифасидан чиқарилган фуқароларнинг электрон рўйхатини шакллантиради;

в) ушбу Низомнинг 2 ва 3-иловаларига мувофиқ шакллантирилган электрон рўйхатларни «ТИЭК» ахборот тизими орқали ёлғиз кексанинг ёки ёлғиз ногиронлиги бўлган шахснинг доимий ёки вақтинча турган жойи бўйича ваколатли органнинг «Пенсия» ахборот тизимига юборади.

10. Ваколатли орган:

а) Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан ушбу Низомга 2-иловага асосан юборилган электрон маълумотларга асосан ёлғиз кекса ва ёлғиз ногиронлиги бўлган шахсларга «Пенсия» ахборот тизимида автоматик тарзда қўшимча тўловни тайинлайди;

б) Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан ушбу Низомга 3-иловага асосан юборилган фуқарони ёлғиз кекса ва ёлғиз ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатидан чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотга асосан қўшимча тўлов тўланишини «Пенсия» ахборот тизимида автоматик тарзда тўхтатади;

г) ушбу Низомга мувофиқ тайинланган қўшимча тўловни тўлаш учун ҳар ойнинг 4-санасига қадар тўлов қайдномаларини ва зарур маблағларни пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни етказиб бериш (топшириш) юклатилган ташкилотга ахборот тизими орқали юборади;

д) қўшимча тўлов тайинланганида ёки тўлови тўхтатилганида 5 дақиқа ичида Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан берилган электрон маълумотномада кўрсатилган мобил телефон рақамига СМС хабар юборади.

11. Қўшимча тўловни тўлаш Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан шахс ўзгалар парваришига мухтож ва ёлғизлар рўйхатидан чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумот келиб тушган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб ваколатли орган томонидан тўхтатилади.

3-боб. Қўшимча тўловни тўлаш

12. Қўшимча тўлов қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларда пенсия ва нафақа етказиб бериш (топшириш) юклатилган ташкилот томонидан жорий тўлов ойдан кечикмай тўланади.

13. Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган ёлғиз кексалар ёки ёлғиз ногиронлиги бўлган шахсларга қўшимча тўлов яшаш гувоҳномаси (ID-картаси) амал қиладиган муддат давомида тўланади.

* 2-3-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

14. Қўшимча тўлов олувчи Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасида доимий яшаш учун бошқа туман (шаҳар)га кўчганида қўшимча тўловни тўлаш янги яшаш жойи бўйича тегишли ваколатли орган томонидан давом эттирилади. Бундай ҳолда қўшимча тўловни тўлаш илгариги яшаш жойи бўйича қўшимча тўлов тўлаш тўхтатилган вақтдан бошлаб давом эттирилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

15. Ушбу Низомга мувофиқ ахборот тизимлари орқали юборилган қўшимча тўловни тўлаш ҳуқуқини берадиган электрон маълумотларни тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун жавобгарлик Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига юклатилади.

16. Манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимларидан ёлғиз кексалар ёки ёлғиз ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисида электрон шаклда автоматлаштирилган тарзда олинган маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳимояланади.

17. Ёлғиз кексалар ёки ёлғиз ногиронлиги бўлган шахслар давлат хизмати кўрсатилишида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

18. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

94 **Ногиронлиги бўлган шахснинг ва таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оиланинг электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

«Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ҳамда «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида ногиронлиги бўлган шахсларнинг ва ўз таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оилаларнинг электрон онлайн-аукционлар воситасида ер участкаларини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларининг ўрни Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда қопланиши назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ногиронлиги бўлган шахснинг ва таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оиланинг электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олган ногиронлиги бўлган шахсга ва таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оилага (кейинги ўринларда — имтиёзли тоифадаги шахслар) бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш;

имтиёзли тоифадаги шахсларнинг электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш тартиби ва молиялаштириш манбалари;

имтиёзли тоифадаги шахсларнинг мурожаатларини туманларда (шаҳарларда) ташкил этиладиган Комиссия томонидан кўриб чиқиш;

электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олган имтиёзли тоифадаги шахслар рўйхатини шакллантириш ва юритиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш харажатларидан келиб чиққан ҳолда, оила таркибидаги ногиронлиги бўлган шахслар сонидан қатъи назар, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача миқдорда бир марталик моддий ёрдам ажратилади.

Бунда электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш хара-

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 24 мартда эълон қилинган.

жатлари миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача бўлганда тўлиқ, харажатлар миқдори ушбу чегарадан юқори бўлган ҳолларда эса харажатларнинг базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача бўлган қисми қоплаб берилади.

4. Белгилансинки, имтиёзли тоифадаги шахсларнинг электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлари:

«Аёллар дафтари»га киритилган шахслар учун — «Аёллар дафтари» жамғармаси;

«Ёшлар дафтари»га киритилган шахслар учун — «Ёшлар дафтари» жамғармаси;

«Темир дафтар»га киритилган шахслар учун — «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобидан тегишлича мазкур жамғармалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилотлар томонидан молиялаштирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда 2023 йил 1 июнга қадар имтиёзли тоифадаги шахсларнинг электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш, шунингдек, сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш жараёнларини Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги маълумотлар базаларининг ахборот тизимлари Ягона интерактив давлат хизматлари порталига интеграция қилиниши назарда тутилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

имтиёзли тоифадаги шахсларнинг электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш харажатларини қоплаш учун зарур маблағлар ўз вақтида ажратиб борилишини;

бир ҳафта муддатда Ногиронлиги бўлган шахснинг ва таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оиланинг электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш комиссияси таркибининг тасдиқланишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги:

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ва кенг ёритиб борсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ҳамда Ўзбекистон Рес-

публикаси камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазири Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 23 март,
122-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 23 мартдаги 122-сон қарорига
ИЛОВА

**Ногиронлиги бўлган шахснинг ва таркибида ногиронлиги
бўлган шахс бор оиланинг электрон онлайн-аукцион орқали
ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларини
қоплаб бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ногиронлиги бўлган шахснинг ва таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оиланинг электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ногиронлиги бўлган шахс ва таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оила (кейинги ўринларда — имтиёзли тоифадаги шахслар) — қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан экспертиза натижалари бўйича ногиронлиги бўлган шахс деб топилган фуқаролар ва таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оилалар;

ер участкаси — ер фондининг қайд этилган чегарага, майдонга, жойлашиш манзилига, ҳуқуқий режимга ҳамда давлат ер кадастрида акс этириладиган бошқа хусусиятларига эга бўлган қисми;

электрон онлайн-аукцион (кейинги ўринларда — аукцион) — ер участкасини сотиб олиш бўйича аукцион ташкил этиш ва ўтказиш учун зарур ахборотни киритиш, сақлаш, қайта ишлаш, шунингдек, истаги бўлган имтиёзли тоифадаги шахснинг бундай аукционга кириш (қатнашиш) имконини таъминлайдиган ахборот тизими;

ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш (кейинги ўринларда — бир марталик тўлов) — имтиёзли тоифадаги шахсларнинг аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун тегишлича «Саховат ва кўмак», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» жамғармалари ҳисобидан ушбу жамғармалар фаолия-

тини мувофиқлаштирувчи ташкилотлар томонидан бир марталик тўловларни амалга ошириш;

комиссия — туманда (шаҳарда) ногиронлиги бўлган шахснинг ва таркибида ногиронлиги бўлган шахс бор оиланинг электрон онлайн-аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш тўғрисидаги мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича ушбу Низомга 1-иловага* мувофиқ намунавий таркибда шакллантириладиган ҳамда тегишли туман (шаҳар) ҳокими қарори билан тасдиқланадиган комиссия.

3. Имтиёзли тоифадаги шахсларга бир марталик тўлов:

«Аёллар дафтари»га киритилган имтиёзли тоифадаги шахслар учун — «Аёллар дафтари» жамғармаси ҳисобидан;

«Ёшлар дафтари»га киритилган имтиёзли тоифадаги шахслар учун — «Ёшлар дафтари» жамғармаси ҳисобидан;

«Темир дафтар»га киритилган шахслар учун — «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобидан тегишлича мазкур жамғармалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилотлар томонидан молиялаштирилади.

4. Бир марталик тўлов ер участкасини аукцион орқали сотиб олиш харажатларидан келиб чиққан ҳолда, оиласи таркибида ногиронлиги бўлган шахслар сонидан қатъи назар, базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача миқдорда ажратилади.

Бунда ер участкасини аукцион орқали сотиб олиш харажатлари миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача бўлганда тўлик, харажатлар миқдори ушбу чегарадан юқори бўлган ҳолларда эса харажатларнинг базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача бўлган қисми қоплаб берилади.

5. Бир марталик тўлов ҳар бир имтиёзли тоифадаги шахсга молиявий ёрдам сифатида бир марта тўлаб берилади.

6. Имтиёзли тоифадаги шахсларнинг аукцион орқали ер участкасини сотиб олиш билан боғлиқ харажатлари ушбу Низомга 2-иловадаги* схемага мувофиқ қоплаб берилади.

2-боб. Имтиёзли тоифадаги шахсларга бир марталик тўловни амалга ошириш тартиби

7. Имтиёзли тоифадаги шахсларга бир марталик тўловни амалга ошириш комиссия томонидан кўриб чиқилади.

Туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими комиссия ишчи органи (кейинги ўринларда — Комиссия ишчи органи) ҳисобланади.

8. Бир марталик тўловни амалга ошириш учун имтиёзли тоифадаги шахслар қўйидаги мезонларга мувофиқ келиши керак:

охирги 12 ой давомида ўзи ёки оила аъзолари номида яшаш учун мўлжалланган турар жойи ёки ер участкаси мавжуд бўлмаслиги;

ер участкаси охирги уч ой ичида аукцион орқали харид қилинган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиши;

* 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тиббий-ижтимоий эксперт комиссиялари томонидан экспертиза натижалари бўйича ногиронлиги бўлган шахс деб топилган, шунингдек, тегишлилиги бўйича «Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари»нинг бирида турган бўлиши.

9. Имтиёзли тоифадаги шахслар аукцион орқали ер участкаси сотиб олгандан бошлаб уч ой ичида сотиб олиш билан боғлиқ харажатни қоплаб бериш юзасидан ўз ҳудудидagi Комиссия ишчи органига ушбу Низомга 3-иловадаги* шаклда ариза билан мурожаат қилади.

Ушбу бандда кўрсатилган муддатдан (уч ой) кечикиб берилган аризалар кўриб чиқилмайди.

10. Имтиёзли тоифадаги шахслар аризага ер участкаси аукцион орқали сотиб олинганлиги тасдиқловчи ҳужжатлар нусхасини илова қилиш керак.

11. Комиссия ишчи органи ҳисобот ойнанинг 20-санасига қадар:

бир марталик тўлов юзасидан ариза билан мурожаат қилган имтиёзли тоифадаги шахсларнинг рўйхатини шакллантиради;

бир марталик тўлов юзасидан мурожаат қилган имтиёзли тоифадаги шахсларнинг аризаси ва ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда шакллантирилган рўйхатни комиссияга тақдим этади.

12. Комиссия ҳисобот ойнанинг 25-санасига қадар:

а) имтиёзли тоифадаги шахсларнинг ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган мезонларга мувофиқлигини ўрганadi.

Бунда:

имтиёзли тоифадаги шахсларнинг ўн икки ой давомида ўзи ёки оила аъзолари номида яшаш учун мўлжалланган турар жойи ёки ер участкаси мавжуд эмаслиги мезонига мувофиқлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги туман (шаҳар) бўлими томонидан;

шахснинг ногиронлик ҳолати туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими томонидан;

оила таркибида ногиронлиги бўлган шахс борлиги туман (шаҳар) Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан аниқланади;

б) имтиёзли тоифадаги шахслар учун бир марталик тўловни молиялаштириш манбаи қуйидаги тартибда аниқлаштирилади:

«Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган имтиёзли тоифадаги шахслар учун тегишлича «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» жамғармалари ҳисобидан;

«Темир дафтар»га киритилган шахслар учун «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобидан;

в) «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар»га киритилмаган имтиёзли тоифадаги шахсларни мувофиқлиги бўйича улардан бирига киритиш чораларини кўради ҳамда мазкур банднинг «б» кичик бандига мувофиқ молиялаштириш манбаини аниқлайди.

Бунда «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Темир дафтар»дан бири-

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

га киритилиши лозим бўлган имтиёзли тоифадаги шахсларнинг аризаларини кўриб чиқиш кейинги ҳисобот ойига қадар кечиктирилиши мумкин;

г) ўрганиш жараёнида имтиёзли тоифадаги шахслар тўғрисидаги маълумотларга аниқлик киритиш мақсадида тегишли ташкилотлардан зарур маълумотлар сўраб олиниши мумкин;

д) имтиёзли тоифадаги шахсларга бир марталик тўловни амалга ошириш масаласини Комиссия аъзоларининг умумий йиғилишида кўриб чиқади ҳамда «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Саховат ва кўмак» жамғармалари ҳисобидан маблағлар ажратиш мақсадида молиялаштириш манбаини кўрсатган ҳолда, имтиёзли тоифадаги шахслар рўйхатини тегишлилиги бўйича «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» жамғармасининг Васийлик кенгашлари ҳамда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашига киритади.

13. Ўрганиш натижаларига кўра имтиёзли тоифадаги шахсларнинг маълумотлари бўйича ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган мезонларга номувофиқлик (шу жумладан, тегишли ташкилотлардан аниқлик киритиш мақсадида олинган маълумотлар асосида) аниқланган тақдирда, Комиссия томонидан бир марталик тўловни ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда уч иш кунда имтиёзли тоифадаги шахсларга ёзма хабарнома юборилади.

3-боб. Комиссия фаолиятини ташкил этиш

14. Комиссия доимий фаолият юритади ҳамда унинг аъзолари жамоатчилик асосида ишлайди.

15. Комиссия ўз ваколатларига тегишли масалаларни Комиссия раиси бошчилигида зарур ҳолларда ўтказиладиган йиғилишларда кўриб чиқади.

16. Комиссия раиси:

комиссиянинг умумий фаолиятига раҳбарлик қилади, унинг иш режаси бажарилиши юзасидан доимий назоратни амалга оширади;

комиссиянинг йиғилишларини чақиради ва уларда раислик қилади;

комиссия ваколатига тегишли бўлган масалаларни унинг йиғилишларида кўриб чиқиш учун киритади;

комиссия қарорларини тасдиқлайди.

17. Комиссия котиби:

комиссия раисининг топшириқларига асосан унинг аъзоларини комиссия йиғилишининг ўтказиладиган жойи, вақти ва санаси тўғрисида хабардор қилади;

комиссия иш режаларини тайёрлайди;

комиссия баённомаларини юритади ва тасдиқланган баённомаларни комиссия аъзоларига юборади;

комиссия далолатномалари ва хулосаларини манзилларга етказида;

комиссия иш юритувини таъминлайди.

18. Комиссиянинг барча йиғилишлари баённома билан расмийлаштирилади ва қарор шаклида қабул қилинади.

19. Комиссия ишининг ташкилий шакли йиғилиш ҳисобланади.

Комиссия йиғилишлари унинг аъзоларининг рўйхатдаги таркибининг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда ўтказилади.

Комиссия йиғилишлари видеоконференцалоқа шаклида ҳам ўтказилиши мумкин.

20. Комиссия ҳужжатлари туман (шаҳар) камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлимларида белгиланган муддатгача сақланади.

4-боб. Имтиёзли тоифадаги шахсларга бир марталик тўловни амалга ошириш тартиби

21. Имтиёзли тоифадаги шахсларга бир марталик тўлов ушбу Низомнинг 3-бандида кўрсатилган манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

22. Комиссия томонидан киритилган рўйхат асосида «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» жамғармасининг Васийлик кенгашлари ҳамда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгаши ҳисобот ойининг 30-санасига қадар тегишлилиги бўйича «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Саховат ва кўмак» жамғармалари ҳисобидан имтиёзли тоифадаги шахсларга бир марталик тўлов учун маблағлар ажратиш тўғрисида белгиланган тартибда қарор қабул қилади.

23. Туман (шаҳар) ҳокимлиги «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» жамғармасининг Васийлик кенгаши ёхуд халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг қарорига мувофиқ беш иш кунида «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари» жамғармасининг Васийлик кенгашлари ҳамда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашининг тегишли қарорлари асосида имтиёзли тоифадаги шахсларнинг аризасида кўрсатилган банк пластик ҳисобварағига маблағ ўтказилишини таъминлайди.

24. Комиссия икки иш кунида бир марталик тўлов ўтказиб берилганлиги ҳақида ҳар бир имтиёзли тоифадаги шахсга ёзма хабарнома юборди.

5-боб. Яқунловчи қоидалар

25. Имтиёзли тоифадаги шахслар ушбу Низом талабларининг бажарилиши учун масъул давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

26. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси ушбу Низом доирасида ажратилган маблағлар мақсадли сарфланишини назорат қилади.

27. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

95 Телекоммуникация воситаларини жойлаштириш учун
ижара шартномаларини расмийлаштиришнинг маъмурий
регламентини тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2022 йил 22 августдаги ПҚ–357-сон қарори ижроси юзасидан телекоммуникация воситаларини жойлаштириш учун телекоммуникация операторларига ер участкаларини ажратишда тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартибни жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Рақамли технологиялар вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Табиат ресурслари вазирлигининг телекоммуникация воситаларини жойлаштириш учун телекоммуникация операторларига ижарага берилиши режалаштирилган ер участкалари рўйхатини шакллантириш, уларни танлов (электрон онлайн-аукцион)га қўйиш ва телекоммуникация операторларига ижарага бериш жараёнларини рақамлаштириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Телекоммуникация воситаларини жойлаштириш учун ижара шартномаларини расмийлаштиришнинг маъмурий регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва 2023 йил 1 июндан бошлаб амалга киритилсин.

3. Телекоммуникация воситаларини жойлаштириш учун телекоммуникация операторларига ижарага берилиши режалаштирилган ер участкалари рўйхатини шакллантириш, уларни танлов (электрон онлайн-аукцион)га қўйиш ва телекоммуникация операторларига ижарага бериш имконини берувчи махсус ахборот тизими (кейинги ўринларда — ахборот тизими)ни ишлаб чиқиш, уни техник ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида Рақамли технологиялар вазирлигининг ««UNICON.UZ» фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази» давлат унитар корхонаси — ахборот тизими оператори этиб белгилансин.

4. Ахборот тизими оператори:

2023 йил 1 майга қадар ўз маблағлари ҳисобидан ахборот тизимини ишлаб чиқсин;

2023 йил 1 июлга қадар телекоммуникация воситаларини жойлаштириш бўйича телекоммуникация операторлари томонидан аввал расмийлаштирилган ижара шартномалари, телекоммуникация воситалари жойлашган ер (координата нуқталари ва чегаралари) ва шартномаларнинг тегишли маълумотлари (реквизитлари) ахборот тизимига киритилишини таъминласин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги ижарага берилиши режалаштирилган ер участкаси тўғрисидаги маълумотларни

* Ушбу қарор «Конунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 25 мартда эълон қилинган.

ахборот тизими операторига доимий асосда электрон ахборот алмашинуви орқали тақдим этиб борсин.

6. Рақамли технологиялар вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги, Табиат ресурслари вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги ўз ахборот тизимларини ушбу қарорнинг 3-бандида кўрсатилган ахборот тизими билан ўзаро интеграция қилиш чораларини кўрсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 октябрдаги 429-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида радиочастота спектридан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга 2-иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

8. Рақамли технологиялар вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 25 март,
127-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2023 йил 25 мартдаги 127-сон қарoriga
1-ИЛОВА

Телекоммуникация воситаларини жойлаштириш учун ижара шартномаларини расмийлаштиришнинг МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламент телекоммуникация воситаларини жойлаштириш учун ижара шартномаларини расмийлаштириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ахборот тизими — телекоммуникация воситаларини жойлаштириш учун телекоммуникация операторларига ижарага берилиши режалаштирилган ер участкалари рўйхатини шакллантириш, уларни танлов (электрон он-лайн-аукцион)га қўйиш ва телекоммуникация операторларига ижарага бериш имконини берувчи махсус электрон ахборот тизими;

ахборот тизими оператори — Ўзбекистон Республикаси Рақамли

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

технологиялар вазирлигининг «UNICON.UZ» фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази» давлат унитар корхонаси;

аукцион иштирокчиси — «E-AUKSION» электрон савдо платформасидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиб, аукционда қатнашиш учун ариза берган телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларнинг хизматларини кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиш бўйича лицензияга эга бўлган телекоммуникация оператори;

балансда сақловчи — давлат мулки ҳисобланган бино ва ер майдони ёки моддий маданий мерос объектлари ҳисобланган иншоотлар балансида ҳисобга олинган юридик шахс;

ваколатли органлар (ташкилотлар) — ушбу Регламентга мувофиқ телекоммуникация воситаларини жойлаштириш масаласи келишиладиган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар;

давлат мулки объекти — электрон онлайн-аукцион орқали ижарага бериладиган давлат мулки ҳисобланган бино ва иншоотлар, моддий маданий мерос объектлари ҳамда уларнинг ер участкалари;

реестр — телекоммуникация операторлари, телекоммуникация воситаларини жойлаштириш бўйича ижара шартномалари ҳамда уларга тегишли бўлган ҳужжатлар тўпламини ўз ичига олувчи маълумотлар базаси;

савдо оператори — «E-AUKSION» электрон савдо платформасида аукционни ташкил этиш ва ўтказиш ваколати берилган Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги «Электрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази» давлат унитар корхонаси;

талабнома — телекоммуникация воситаларини жойлаштириш учун зарур ер участкаларининг майдони ва координаталарини белгилаш ҳамда ер участкасини ижарага олиш бўйича телекоммуникация оператори томонидан тўлдириладиган ва ахборот тизими орқали киритиладиган маълумотлар;

телекоммуникация воситалари — сигналларни ҳосил қилиш, узатиш, қабул қилиш, қайта ишлаш ҳамда уларни бошқариш имконини берувчи техник қурилмалар, ускуналар, иншоотлар ва тизимлар;

телекоммуникация оператори — мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида телекоммуникация (телефон алоқаси, маълумотлар узатиш, мобил алоқа, телевидение) тармоғига эга бўлган, унинг қурилиши, ишлаши, ривожланишини таъминловчи ва лицензияга асосан тегишли телекоммуникация хизматларини кўрсатувчи юридик шахс;

шахсий кабинет — ахборот тизими фойдаланувчилари томонидан маълумотларни киритиш, таҳрирлаш, фойдаланиш ва қўллаш имкониятини яратиш учун мўлжалланган махсус ойна;

электрон онлайн-аукцион (кейинги ўринларда — аукцион) — «E-AUKSION» электрон савдо платформаси орқали жисмоний ва юридик шахсларга аукцион объектини ижарага бериш бўйича нархни ошириб бориш тамойили асосида онлайн ўтказиладиган савдо шакли.

3. Ахборот тизими орқали расмийлаштирилган ва муддати узайтирилган ижара шартномалари ҳамда бошқа хизматлар (аукцион объектини савдога чиқаришда материалларни келишиш, шунингдек савдони ташкил этиш ва ўт-

казиш харажатлари бундан мустасно) учун тўловлар ахборот тизими оператори ва телекоммуникация операторлари ўртасида тузиладиган шартномага мувофиқ белгиланади.

Бунда, ахборот тизими орқали ушбу ҳужжатларни расмийлаштириш учун телекоммуникация оператори томонидан ахборот тизими операторига базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида тўлов амалга оширилади.

4. «E-AUKSION» электрон савдо платформасида онлайн-аукцион ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган «E-AUKSION» электрон савдо платформасида онлайн-аукцион ва танловларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом асосида амалга оширилади.

Бунда, бўш ва захирага олинган ер участкалари ҳамда давлат мулки объектини телекоммуникация воситаларини жойлаштириш учун ижарага бериш бўйича ўтказилган электрон аукционда бир иштирокчи қатнашган тақдирда ҳам у ўтказилган деб ҳисобланади.

Шунингдек, аукцион ўтказиш аукцион ўтказиладиган кун тўғрисида хабарнома ва лотга оид ахборот «E-AUKSION» электрон савдо платформасида эълон қилингандан ўттиз кун ўтгандан кейинги кунга белгиланади. Байрам ва дам олиш кунларида аукционлар ўтказилмайди.

2-боб. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлигига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ер участкаларини ажратиш ва уларда телекоммуникация воситаларини жойлаштириш тартиби

5. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик)га доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилиши режалаштирилган ер участкаларини келишиш ҳамда ажратилган ер участкаларини телекоммуникация воситаларини жойлаштириш учун ижарага бериш ушбу Регламентнинг 1-иловасида* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

6. Телекоммуникация операторлари томонидан телекоммуникация воситаларини жойлаштириш учун жойига чиққан ҳолда зарур лойиҳаолди ўрғаниш ишлари олиб борилади.

7. Телекоммуникация оператори ахборот тизими ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали телекоммуникация воситаларини жойлаштириш учун зарур ер участкаларининг майдони ва координаталарини белгилаб беради ҳамда зарур ер участкаларини ижарага олиш бўйича талабнома тўлдиради.

8. Ахборот тизими оператори телекоммуникация оператори томонидан белгиланган майдон ва координаталар бўйича маълумотларни олиш учун ахборот тизими орқали автоматик тарзда Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармасига сўров жўнатади.

Бунда, ер участкаси маълумотлари (ер участкаларининг майдони ва ко-

* 1-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ординаталари) телекоммуникация оператори томонидан нотўғри киритилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу ҳолат талабномани рад этиш учун асос ҳисобланади ва талабнома бекор қилинади.

9. Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармаси уч иш куни ичида ахборот тизимидаги сўровга жавоб тариқасида ер участкаси ҳақидаги маълумотларни юборади.

10. Ахборот тизими оператори мазкур ер участкасида телекоммуникация воситаларини жойлаштириш билан боғлиқ ҳужжатларни ваколатли орган (ташкilot)ларга улар билан дастлабки келишиш учун ахборот тизими орқали автоматик тарзда юборади.

11. Антенна-мачта иншоотлари ва бошқа телекоммуникация иншоотларини қуриш билан боғлиқ ҳужжатлар телекоммуникация воситалари турига мос равишда қуйидаги ваколатли орган (ташкilot)лар билан ахборот тизими орқали келишилади:

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Фуқаро авиацияси агентлиги;

Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси;

«Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонаси.

Антенна-мачта иншоотларидан ташқари бошқа телекоммуникация иншоотларини қуриш билан боғлиқ ҳужжатлар, заруратга кўра, бошқа манфаатдор ташкilotлар билан ҳам келишилиши мумкин.

Ваколатли орган (ташкilot)лар телекоммуникация воситаларини жойлаштиришда зарур ҳужжатларнинг ўз вақтида кўриб чиқилиши, келишилиши ва хулосалар қабул қилиниши учун жавобгар ҳисобланади.

12. Ваколатли орган (ташкilot)лар телекоммуникация воситаларини жойлаштириш масаласини уч иш куни ичида келишади ёки келишишни асослантирилган ҳолда рад этади.

Ваколатли орган (ташкilot)лар томонидан келишиш рад этилган ҳолларда, тегишли хулоса телекоммуникация операторига ахборот тизими орқали тақдим этилади ва талабнома бекор қилинади,

13. Ваколатли орган (ташкilot)лар билан келишилгандан сўнг ахборот тизими оператори талабномада кўрсатилган ер участкалари тўғрисидаги маълумотларни Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ер участкасини ажратиш учун Вазирлик томонидан бириктирилган масъул ходимнинг ахборот тизимидаги шахсий кабинетига жўнатади.

14. Вазирликка ер участкалари Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 августдаги 543-сон қарори билан тасдиқланган Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун доимий фойдаланишга ажратишнинг маъмурий регламентида белгиланган тартибда ажратилади.

Вазирлик томонидан бириктирилган масъул ходим ер участкалари тўғрисидаги маълумотлар билан танишади ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ер участкасини ажратиш учун уларнинг ахборот тизимидаги шахсий кабинетига буюртма юборади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир иш куни ичида буюртмани (буюртмага лойиҳалаштирилаётган объектлар бўйича атроф-муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баённома лойиҳасини илова қилган ҳолда) ер участкасини ажратиш материалларини белгиланган тартибда тайёрлаш учун тегишли Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармасига ахборот тизимидаги шахсий кабинет орқали юборади.

Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармаси беш иш куни ичида шахсий кабинетда ер участкасини ажратиш материалларини тайёрлаш юзасидан шартномани шакллантиради ва электрон рақамли имзо орқали имзолайди. Шакллантирилган шартномани Вазирликка ахборот тизими орқали юборади.

Вазирлик томонидан бириктирилган масъул вакил бир кун ичида ахборот тизимидаги шахсий кабинетида электрон рақамли имзо орқали шартномани иккинчи томондан имзолайди ва Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармасига юборади.

Давлат кадастрлари палатасининг ҳудудий бошқармаси тузилган шартнома асосида ер участкасини ажратиш ҳақида электрон шаклда ҳужжатлар йиғмажилдини тайёрлайди ва уни «YERELEKTRON» автоматлаштирилган ахборот тизимига жойлаштиради.

«YERELEKTRON» автоматлаштирилган ахборот тизимида келишув жараёнининг ҳар бир босқичи бўйича маълумотни ахборот тизимига электрон ахборот алмашинуви орқали доимий узатиб боради.

3-боб. Вазирликка ажратилган ер участкасини электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқаришга тайёрлаш тартиби

15. Ер участкасини ижарага беришнинг бошланғич нархи қўйидаги формула асосида ахборот тизимида ҳисобланади:

$$C = S \times P \times T + E, \text{ бунда:}$$

S — ер участкасининг майдони, кв.м;

P — бир квадрат метр ер участкаси учун ижарага беришнинг минимал қиймати, сўм/кв.м.;

T — ер участкасини ижарага бериш муддати, йил;

E — ер участкасини танлаш материалларини тайёрлаш ишларининг қиймати, ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга оид харажатлар, сўм.

Бир квадрат метр ер участкаси учун ижарага беришнинг минимал қиймати ҳар бир туман (шаҳар) учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қарорлари билан тасдиқланади.

Ҳар бир туман (шаҳар) учун ер участкасини ижарага беришнинг минимал қийматини белгилашда ҳудудда мавжуд ҳамда келгусида марказлашган манбалар ҳисобидан барпо этилиши режалаштирилган муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш нуқталари инобатга олинади.

Охирги тасдиқланган ер участкасини ижарага беришнинг минимал қиймати унинг янги қиймати тасдиқлангунга қадар амалда бўлади.

16. Ахборот тизими оператори Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги «Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази» давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда — Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази) ахборот тизимига Вазирликка доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилган ер участкасини ижарага бериш мақсадида электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш бўйича аризани ахборот тизими ёрдамида электрон ахборот алмашинуви орқали юборади.

17. Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг ҳудудий бошқармалари ахборот тизими операторининг аризаси келиб тушганидан сўнг бир иш куни ичида буюртмачи сифатида белгиланган тартибда савдо операторига ер участкасини ижарага бериш учун электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш бўйича электрон буюртмани юборади.

18. Электрон онлайн-аукцион савдолари натижаси бўйича баённома расмийлаштирилгандан сўнг ўн иш кунидан кечиктирмай баённома асосида аукцион ғолиби ва Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг тегишли ҳудудий бошқармаси ўртасида «E-AUKSION» электрон савдо платформасида электрон шаклда ижара шартномаси тузилади.

19. Вазирликка доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида ажратилган ер участкасини ижарага беришдан тушган маблағлар белгиланган тартибда тақсимланади.

20. Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг ахборот тизими ижара шартномаси маълумотлари ва нусхасини ахборот тизимига электрон ахборот алмашинуви орқали юборади.

21. Ер участкасини ижарага бериш жараёнида давлат органлари томонидан ер тузиш, давлат ер кадастри ва ерларни мониторинг қилиш бўйича лойиҳа-изланиш, лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни келишиш ва тасдиқлаш, ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ харажатлар телекоммуникация оператори томонидан қопланади.

4-боб. Жисмоний ва юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкалари, бино ва иншоотларда телекоммуникация воситаларини ўрнатиш шартномасини расмийлаштириш тартиби

22. Жисмоний ва юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкалари, бино ва иншоотларда телекоммуникация воситаларини ўрнатиш шартномасини расмийлаштириш ушбу Регламентнинг 2-иловасида* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

23. Телекоммуникация операторлари томонидан телекоммуникация воситаларини

* 2-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

таларини жойлаштириш учун зарур лойиҳаолди ўрганишлар жойига чиққан ҳолда олиб борилади ва мулк ҳуқуқида бўлган ер участкалари ёки биноларнинг мулкдорлари билан ўзаро келишади.

24. Телекоммуникация воситаларини жойлаштириш учун мақсадли ер участкалари ёки биноларни ижарага олиш бўйича талабнома электрон шаклда ахборот тизими орқали телекоммуникация операторлари томонидан тўлдирилади, келишув маълумотлари ҳамда манзил ва координаталари киритилади.

25. Ахборот тизими оператори ваколатли орган (ташкилот)ларга мазкур ер участкалари ёки биноларда телекоммуникация воситаларини жойлаштиришни дастлабки келишиш учун ахборот тизими орқали юборади.

Ваколатли орган (ташкилот)лар телекоммуникация воситаларини жойлаштиришни уч иш куни ичида келишади ёки келишишни асослантирилган ҳолда рад этади.

Ваколатли орган (ташкилот)лар томонидан келишиш рад этилган ҳолларда, тегишли хулоса телекоммуникация операторига ахборот тизими орқали тақдим этилади ва талабнома бекор қилинади.

26. Ваколатли орган (ташкилот)лар билан ижобий келишувга эришилганидан сўнг икки иш куни ичида мулк ҳуқуқидаги ер участкалари ёки бино ва иншоот мулкдори ҳамда телекоммуникация оператори ўртасида ижара шартномаси ахборот тизими орқали имзоланади.

Ижара шартномасини ахборот тизими орқали расмийлаштириш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда, шартнома қоғоз кўринишида имзоланади ҳамда бу ҳақидаги маълумотлар ва ушбу шартнома нусхаси телекоммуникация оператори томонидан ахборот тизимига киритилади.

27. Ижара шартномаси асосида телекоммуникация воситалари жойлаштирилладиган ер участкаларини дастлабки келишиш, шунингдек ижара шартномасини расмийлаштириш (тарафларнинг келишувига кўра ахборот тизими орқали расмийлаштирилганда) харажатлари билан боғлиқ тўловлар телекоммуникация оператори томонидан ижара шартномаси имзоланганидан сўнг беш иш куни ичида амалга оширилади.

28. Ахборот тизими оператори ижара шартномаси тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси (кейинги ўринларда — Солиқ қўмитаси)га электрон ахборот алмашинуви орқали белгиланган тартибда ҳисобдан ўтказиш учун юборади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

29. Солиқ қўмитаси икки иш куни ичида ижара шартномасини белгиланган тартибда ҳисобдан ўтказиши ва гувоҳномани электрон ахборот алмашинуви орқали ахборот тизимига юборади.

30. Ахборот тизими оператори томонларга ахборот тизими орқали икки томонлама имзоланган шартнома ҳисобдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани юборади.

5-боб. Давлат мулки объектида телекоммуникация воситаларини жойлаштириш тартиби

31. Давлат мулки объектида телекоммуникация воситаларини жойлаштириш ушбу Регламентнинг 3-илоvasида* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

32. Телекоммуникация операторлари томонидан телекоммуникация воситаларини жойлаштириш учун зарур лойиҳаолди ўрганишлар жойига чиққан ҳолда олиб борилади ҳамда телекоммуникация воситаларини жойлаштириш учун давлат мулки объектини ижарага бериш бўйича балансда сақловчига муурожаат қилади.

33. Балансда сақловчи томонидан давлат мулки объектини ижарага беришга розилик билдирилган тақдирда, телекоммуникация воситаларини жойлаштириш учун давлат мулки объектини ижарага олиш бўйича талабнома электрон шаклда ахборот тизими орқали телекоммуникация операторлари томонидан тўлдирилади, давлат мулки объекти маълумотлари ҳамда манзил, координаталари, балансда сақловчининг розилик хати ва бошқа тегишли маълумотлари киритилади.

Бунда, моддий маданий мерос объектлари ҳисобланган давлат мулки объектларини ижарага олиш бўйича талабномага маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш бўйича ваколатли органнинг хулосаси илова қилинади.

34. Ахборот тизими оператори ваколатли орган (ташкilot)ларга мазкур давлат мулки объектига телекоммуникация воситаларини жойлаштиришни дастлабки келишиш учун ахборот тизими орқали юборади.

Ваколатли орган (ташкilot)лар телекоммуникация воситаларини жойлаштиришни уч иш куни ичида келишади ёки келишишни асослантирилган ҳолда рад этади.

Ваколатли орган (ташкilot)лар томонидан келишиш рад этилган ҳолларда, тегишли хулоса телекоммуникация операторига ахборот тизими орқали тақдим этилади ва талабнома бекор қилинади.

35. Ваколатли органлар билан ижобий келишувга эришилганидан сўнг ахборот тизими оператори Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкilot этиш маркази ахборот тизимида давлат мулки объектини ижарага бериш мақсадида электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш бўйича аризани электрон ахборот алмашинуви орқали юборади.

36. Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкilot этиш марказининг ҳудудий бошқармалари ахборот тизими операторининг аризаси келиб тушганидан сўнг бир иш куни ичида буюртмачи сифатида белгиланган тартибда савдо операторига давлат мулки объектини ижарага бериш учун электрон онлайн-аукцион савдоларига чиқариш бўйича электрон буюртмани юборади.

37. Электрон онлайн-аукцион савдолари натижаси бўйича баённома расмийлаштирилгандан сўнг ўн иш кунидан кечиктирмай баённома асосида

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

аукцион қолиби ва Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг тегишли худудий бошқармаси ўртасида белгиланган тартибда ижара шартномаси тузилади.

38. Давлат мулки объектини ижарага беришдан тушган маблағлар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тақсимланади.

39. Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг ахборот тизими ижара шартномаси маълумотлари ва нусхасини ахборот тизимига электрон ахборот алмашинуви орқали юборади.

40. Ижара шартномаси асосида телекоммуникация воситалари жойлаштирилладиган ер участкаларини дастлабки келишиш, шунингдек ижара шартномасини расмийлаштириш (тарафларнинг келишувига кўра ахборот тизими орқали расмийлаштирилганда) харажатлари билан боғлиқ тўловлар телекоммуникация оператори томонидан ижара шартномаси имзоланганидан сўнг беш иш куни ичида амалга оширилади.

6-боб. Телекоммуникация воситаларини жойлаштиришга оид шартномалар ёки келишувларни ахборот тизимига киритиш ва тизимда шартнома ва келишувларнинг муддатини узайтириш тартиби

41. Телекоммуникация воситаларини жойлаштиришга оид шартномалар ёки келишувларни ахборот тизимига киритиш ва уларнинг муддатини узайтириш ушбу Регламентнинг 4-иловасида* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

42. Телекоммуникация оператори томонидан ахборот тизими ишга туширилгунига қадар телекоммуникация воситаларини жойлаштиришга оид ва айни бир ер участкаси ёки антенна-мачталардан биргаликда фойдаланиш бўйича ахборот тизими ёрдамида имзолаш имконияти мавжуд бўлмаган ижара шартномалари, келишувлар ва бошқа турдаги ҳужжатлар нусхаси ва унга доир маълумотлар мос равишда ахборот тизими реестрига доимий равишда киритиб борилиши лозим.

43. Ахборот тизими оператори реестрга киритилган ижара шартномалари муддатларини автоматик таҳлил қилиш ишларини олиб боради. Муддати яқунланишига икки ой қолган шартномалар рўйхатини қонунчилик ҳужжатларида рухсат этилган ҳолатларда муддатини узайтириш учун телекоммуникация операторларига ахборот тизимидаги шахсий кабинети орқали тақдим этади.

44. Телекоммуникация операторлари шартнома ва келишув имзоланган томонлар билан ахборот тизими орқали ҳужжат расмийлаштирилиши борасида ўн иш куни ичида музокаралар олиб боради.

Томонлар икки иш куни ичида шартнома шартларига қўшимчалар киритган ҳолда (зарур ҳолларда) ахборот тизими орқали шартномага қўшимча келишувни имзолайдилар.

Ижара шартномаси муддатини узайтириш тўғрисидаги қўшимча шартномани ахборот тизими орқали расмийлаштириш имконияти мавжуд бўлмаган

* 4-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ҳолларда, ушбу қўшимча келишув қоғоз кўринишида имзоланади ҳамда бу ҳақидаги маълумотлар ва ушбу ҳужжат нусхаси телекоммуникация оператори томонидан ахборот тизимига киритилади.

45. Телекоммуникация оператори томонидан ахборот тизими орқали кўрсатилган хизматлар учун ахборот тизими операторининг махсус ҳисобварағига тегишли тўловлар амалга оширилади.

46. Ахборот тизими оператори ахборот тизимида яратилган ва имзоланган, реестрдаги муддати якунланишига бир ой муддат қолган ижара шартномалари маълумотларини қонунчилик ҳужжатларида рухсат этилган ҳолатларда муддатини узайтириш учун ахборот тизимида автоматик тарзда шакллантиради ва телекоммуникация операторларига бу ҳақда хабарнома ва ҳисоб-фактура юборади.

47. Телекоммуникация операторлари беш иш кунидан кечиктирмай тўловларни ахборот тизими операторининг махсус ҳисобварағига ўтказиб беради.

48. Ахборот тизими оператори тўлов қабул қилинганидан сўнг шартномалар муддатларини узайтиради.

Телекоммуникация операторига муддатлари узайтирилган шартномалар бўйича маълумотни ахборот тизими орқали тақдим этади.

Тўланмаслик ҳоллари кузатилганда, шартномалар муддати узайтирилмайди ва шартнома ўз кучини йўқотган ҳисобланади.

49. Ижара шартномасининг тўлов миқдорини кейинги муддат учун узайтириш ёки шартномани бекор қилиш истагида бўлган ижарага берувчилар шартноманинг якунланиш муддатидан уч ойдан кам бўлмаган муддатда ушбу ҳақида ахборот тизимига маълумот киритиши лозим.

Бунда, телекоммуникация операторига тегишли маълумот ахборот тизимидаги шахсий кабинетлари орқали тақдим этилади ва томонларнинг ўзаро келишувидан сўнг шартнома расмийлаштирилади.

Ижара шартномасини бекор қилиш истаги билдирилган ҳолларда томонларга ахборот тизимидаги шахсий кабинетлари орқали маълумотлар тақдим этилади, ўзаро қайта келишиш учун бир ой муддат берилади.

50. Ижара шартномалари беш иш кунини ичида мос равишда Солиқ қўмитаси ва Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказига тегишли реестрдан рўйхатдан ўтказилади ва кўчирмаси томонларнинг ахборот тизимидаги шахсий кабинетларига юборилади.

Солиқ қўмитаси ва Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази томонидан ўзининг реестрдан рўйхатдан ўтказиш рад этилса, телекоммуникация оператори ва томонларга бу ҳақида маълумот шахсий кабинет орқали юборилади ва манфаатдор ташкилотлар билан келишиш ишларини томонлар ўзаро амалга оширади.

Солиқ қўмитаси Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш маркази билан келишилганидан сўнг манфаатдор ташкилотлар томонидан реестрдан рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги кўчирмани ахборот тизимига электрон ахборот алмашинуви орқали юборилади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

51. Телекоммуникация операторлари ваколатли органларнинг мурожаатини кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этганлик устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ёки бевосита судга шикоят қилишга ҳақли.

52. Ахборот тизимининг бошқа ташкилотлар билан ахборот алмашиш тартиби ва ўзаро ҳамкорлик қилиш шартлари ташкилотлар ҳамда ахборот тизими оператори ўртасида тузилган ўзаро ҳамкорлик бўйича алоҳида технологик йўриқномалар ва битимлар билан белгиланади.

53. Ахборот тизими оператори ахборот тизимидан фойдаланиш орқали шартнома асосида қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган хизматларни тақдим қилиш ҳуқуқига эга.

54. Ушбу Регламент талаблари бузилиши аниқланган ҳолатлар ҳақида телекоммуникация операторларидан келиб тушган мурожаатлар бўйича шартнома бекор қилинади ва амалга оширилган тўловлар қайтарилмайди.

55. Мазкур Регламент талабларини бузганликда айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.